

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

**МУҲАММАДСИДИҚОВ МУҲАММАДОЛИМ
МУҲАММАТРОЗИҚ ЎҒЛИ**

**АФРИКА АРАБ ДАВЛАТЛАРИДА ДИННИНГ
СИЁСИЙЛАШУВИ ВА УНИНГ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАНЛАР ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

| | |
|--|----|
| Муҳаммадсидиков Муҳаммадолим Муҳамматрозик ўғли Африка араб давлатларида диннинг сиёсийлашуви ва унинг сиёсий жараёнларга таъсири | 3 |
| Муҳаммадсидиков Муҳаммадолим Муҳамматрозик ўғли Политизация религии в арабских государствах Африки и её влияние на политические процессы | 31 |
| Mukhammadsidikov Mukhammadolim Mukhammatroziq O'gli The politicization of religion in Arab countries of Africa and its impact on the political processes..... | 59 |
| Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of publications..... | 64 |

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

**МУҲАММАДСИДИҚОВ МУҲАММАДОЛИМ
МУҲАММАТРОЗИҚ ЎҒЛИ**

**АФРИКА АРАБ ДАВЛАТЛАРИДА ДИННИНГ
СИЁСИЙЛАШУВИ ВА УНИНГ СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАНЛАР ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.4.DSc/Siyos1. рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Ўзбекистон Миллий университетининг www.nuu.uz ва «ZiyoNET» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz веб-саҳифасида жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Пахрутдинов Шукритдин Илёсович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мунавваров Зоҳидилла Иномходжаевич
сиёсий фанлари доктори, профессор

Жўраев Нарзулла Қосимович
сиёсий фанлар доктори, профессор

Равшанов Фазлиддин Равшанович
сиёсий фанлар доктори

Етакчи ташкилот:

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.29.08.2017.S.01.08 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси 4-уй, Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24; E-mail: info@nuu.uz) Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси. 5-қават, 511-хона

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси 4-уй, ЎзМУ Маъмурий биноси 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24; E-mail: info@nuu.uz

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Ш.И.Пахрутдинов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

А.Д.Гашанов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, фалсафа доктори (PhD)

А.Г.Муминов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, с.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI асрнинг дастлабки йилларидан бошлаб, дунёнинг турли ҳудудларида ислом дини қадриятларининг уйғониши, диннинг жамиятдаги ўрни кучайиши билан бирга исломга боғлиқ мутлақо янги хавф-хатарлар шаклланмоқда. Қуръон ва ҳадислардаги кўрсатмалар, исломий дунёқараш ва урф-одатларни бузиб кўрсатиш ҳамда динни терроризм, экстремизм билан асоссиз боғлаш исломофобия ривожига таъсир қилаётган омиллардандир. Бу эса турли минтақаларда сиёсий, диний ва бошқа ижтимоий жараёнларнинг кескинлашувига ҳамда диний конфессиялараро зиддиятларнинг авж олиши минтақавий ва халқаро хавфсизликка таҳдид туғдирмоқда. Бундай хавф-хатарларнинг таҳдиди уларнинг ижтимоий-сиёсий оқибатларини аниқлаш ва таҳлил қилиш, истиқболни, олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш заруратини янада оширмоқда.

Бугунги кунда араб ва мусулмон жамиятларининг нисбатан барқарор ривожланишида, ислом цивилизацияси ва араб давлатлари жойлашган минтақалардаги сиёсий муносабатларда, хусусан, Африка араб давлатларидаги замонавий модернизация жараёнларида сиёсийлашган ислом таъсир даражасини аниқлаш давр талабидир. Шу нуқтаи назардан, сиёсий ислом ижтимоий-сиёсий ва геосиёсий жараёнларга жалб этилган, беқарорлик ўчоғига айланаётган Африка араб давлатларида рўй бераётган сиёсий воқеликларни чуқур таҳлил этиш, диний муносабатларни тартибга солишнинг илмий асосларини яратиш зарурати мазкур тадқиқот ишининг долзарблигини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати мустақилликнинг илк давриданок хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш асоси сифатида диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш сиёсатини олиб бориб, мамлакатда ислом дини билан бир қаторда бошқа диний конфессияларнинг ҳам эркин фаолият кўрсатишини кафолатлади. Фуқароларга миллати, ирки, динидан қатъий назар, тенг ҳуқуқлар конституция ва қонунлар орқали таъминланди. Ушбу конституциявий қоида 1998 йил 1 май куни қабул қилинган янги таҳрирдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида ҳам ўз ифодасини топган. Қонунда тарихий, маданий, ижтимоий омилларни ҳисобга олинган ҳолда давлат ва диний ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар белгиланган. Зеро, “Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон мурося қила олмаймиз. Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади”¹. Хавфсизлик,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. <http://www.uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>

миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ташқи сиёсатни юритиш масалалари “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси”да алоҳида бешинчи устувор йўналиш сифатида белгилангани ҳам ушбу масаланинг долзарблигини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги (1998), “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги (2016) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Президент Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон Қарори, 2017 йил 15 декабрдаги “Ўзбекистон Ислом академиясини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3433-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5416-сон Фармони ҳамда мавзуга доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1-банди: “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Араб ва мусулмон давлатларида кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, сўнгги пайтларда юз берган сиёсий тизимлар трансформацияси, замонавий жаҳон сиёсати ҳамда сиёсий жараёнларга “ислом омили”, “нефть омили”нинг таъсири бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Ал-Азҳар университети (Миср), Қоҳира университети (Миср), Institute of Islamic studies (Канада), The Institute for Islamic World Studies, Zayed University (БАА), The Arabic and North African Studies, Al Akhawayn University (Марокаш), Москва давлат халқаро муносабатлар институти (МГИМО), Якин Шарқ институти (Россия), Россия Фанлар Академияси Африка институти, Москва давлат университети қошидаги Осиё ва Африка мамлакатлари институти, Cambridge, Oxford, London Universities (Буюк Британия), The Islamic Studies program at the University of Detroit, The Middle Eastern & Islamic Studies New York University, The Islamic Studies, African Studies Center University of Michigan,

² www.ox.ac.uk; dlsu.edu.ph; sorbonne-university.com; wsu.edu>franc.com; osaka-u.ac.jp; bars.ak.uk; Cambridge.org>; hup.harvard scin. www.islamicstudies.harvard.edu/fellowships/ https://www.mcgill.ca/islamicstudies/institute-islamic-studies, http://www.zu.ac.ae/main/en/iivs/index.aspx ва бошқалар.

African Studies Center University of Boston (АҚШ), African Studies Center University of Leiden (Нидерландия), Osaka University (Япония), Sorbonne, De la salle University (Франция), Жанубий Кореянинг Сэул университети (Seoul University), Hamburg University (Германия), Тошкент давлат шарқшунослик институти (Ўзбекистон) томонидан амалга оширилмоқда.

Яқин Шарқ ва Шимолий Африка давлатлари ижтимоий-сиёсий жараёнлари ҳамда сиёсий тизимлар трансформациясига таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни ўрганишга оид тадқиқотлар натижасида қатор илмий натижалар олинган. Жумладан: Араб давлатларида демократлаштириш жараёнлари: ютуқлар ва муаммоларини ҳал этиш борасида тавсиялар ишлаб чиқилган (Arab Center for Research & Policy Studies, Қатар); Африкадаги этно-сиёсий можароларнинг ҳал этилиши механизмларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар берилган (Institute of African Studies and Research, Caïro University, Миср); Араб Мағриби давлатлари орқали муҳожирларнинг ноқонуний миграциясини тартибга солишнинг самарали усуллари кўрсатиб берилган (Al Akhawayn University, Марокаш); Яқин Шарқ ва Шимолий Африка давлатларидаги геосиёсий мувозанатни барқарорлаштиришнинг самарали воситалари асосланган (Институт Ближнего Востока, Россия).

Дунёнинг турли ҳудудларида ислом дини қадриятларининг уйғониши, диннинг жамиятдаги ўрни кучайиши билан бирга исломга боғлиқ мутлақо янги хавф-хатарлар шаклланаётганини асослаш, давлат ва дин ўртасидаги муносабатларни, конфессиялараро мулоқотни тартибга солишнинг сиёсий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: Араб давлатлари хавфсизлигига таъсир этувчи омилларни тадқиқ этиш; Шимолий Африка давлатларидаги миграция муаммосини ҳал этишда давлатнинг ролини ошириш; диний экстремизм ва ақидапарастликни араб давлатларидаги сиёсий барқарорликка таҳдидини бартараф этиш; радикал исломга қарши курашда араб давлатлари иштирокини фаоллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёдаги динларнинг сиёсийлашуви ва дин омилларининг сиёсий жараёнларга таъсири ҳамда Африка араб давлатларига доир илмий тадқиқот ишлари ва асарлар мавжуд бўлиб, улар масаланинг муайян жиҳатларини қамраб олади.

Ҳозирги даврда Ўзбекистонда дин омили, диний бағрикенгликнинг ўрни, унинг мазмун-моҳияти ҳамда асосий тамойиллари, араб ва мусулмон дунёсидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга бағишланган кўплаб китоб, рисола ва мақолалар эълон қилинган. Шунингдек, илк ислом давлатчилигининг шаклланиши ва ривожланиши, Муҳаммад пайғамбарнинг фаолияти, у асос солган давлатнинг ички ва ташқи сиёсатидаги анъаналарнинг янги вужудга келаётган давлатчиликка таъсири, илк халифаларнинг диний-ижтимоий сиёсати масалалари, ислом динининг сиёсийлашув тадрижи ва диний-сиёсий оқимлар, араб ва мусулмон давлатлари ички ва ташқи сиёсатида “ислом омили”нинг ўрни, дунёвийлик ва динийлик бўйича назарий ва амалий тадқиқот ишлари амалга оширилган. Бу борада хорижлик олимлар, хусусан, Д.Акрам, А.Можид, Ҳ.И.Ҳасан,

А.И.Хасан, Ҳ.Иброҳим, М.Ридо, М.ал-Хударий, А.ан-Нажжор³, Т.Арнолд, А.Х.Аксеки, Ф.Х.Бэрки, О.Кэскиўғли, Абу Бакир, М.Уатт, В.Муир, А.Амэр, А.Муҳаммад⁴ Муҳаммад пайғамбарнинг фаолияти, у асос солган давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, ислом давлатчилигининг илк шаклланиши ва ривожланиши, илк халифаларнинг диний-ижтимоий сиёсати масалалари, исломнинг сиёсийлашув эволюциясига доир илмий тадқиқот ишларини олиб борган бўлса, диний-сиёсий оқимлар, араб ва мусулмон давлатлари ички ва ташқи сиёсатида “ислом омили”нинг ўрни, сиёсий жараёнларга “ислом омили”нинг таъсири, динийлик ва дунёвийлик, конфессиялараро муносабатлар ва давлат бошқарувида диний масаланинг аҳамиятига доир тадқиқотларни Ҳ.Ф.ан-Нажжор, У.Шариф, И.ал-Бадавий, С.А.ал-Зайн, Ҳ.А.Авад, О.Ф.Абдулхафиз, А.Халифа, М.С.ал-Ашмавий, А.А.ал-Афандий, Ю.Қарзовий, Х.Ҳанафий, А.ал-Хайёт, А.Х.Яқуб, Ф.ан-Набравий, М.Н.Муҳанна, Р.Ҳилал, Халифа ибн Хаййот, А.И.Хасан, А.Маъдий, Т.Маданий, Х.Муҳаммад, Ф.Сара, М.Маҳдий, М.Имаро, Н.Мустафо, В.Абдулмажид, А.Зайд, И.Ражаб, Д.Шахата, Ҳ.Мустафо⁵, Дж.Эспозито, Р.Митчел, Ф.Холлидэя, Г.Руа, Б.Мильтон-Эдвардс, М.Хабека, П.Ватикиотис,

³ Аكرم د. عصر الخلافة الراشدة – الرياض، 1998؛ ماجد أ.، التاريخ السياسي للدول العربية: عصور الجاهلية و النبوية و الخلفاء الراشدون. – القاهرة. 1982؛ حسن ح.إ.، أ.إ. حسن. النظم الإسلامية – القاهرة، 1996؛ حسن إبراهيم. تاريخ الإسلام السياسي و الديني و الثقافي و الاجتماعي: 4 مجلد. – بيروت، 1996؛ محمد رضا أبو بكر الصديق- أول الخلفاء الراشدين. – بيروت؛ دار الكتب العلمية، 1983؛ ألفاروق عمر ابن الخطاب – ثاني ألقفاء الراشدين. – بيروت؛ دار الكتب العلمية، 1982؛ ذي النورين عثمان ابن عفان – ألقيفة الثالث. بيروت؛ دار الكتب العلمية، 1993؛ إمام علي ابن أبي طالب، كرم الله وجهه – رابع الخلفاء الراشدين. بيروت؛ دار الكتب العلمية، 1982؛ ألسياسة القضائية في عهد عمر ابن الخطاب و صلته بالواقعا المعاصر. الرياض، 1996؛ محمد ألقضاري؛ إتمام الوفاء في سيرة الخلفاء. – القاهرة. المكتبة الثقافية، 2008.

⁴ Arnold Th. The Preaching of Islam . – 3d edition / ed. Reynold A. – London, 1935; Akseki A.H. Islam dini. Ankara: Gaye matbaacilik sanayi, 1983; Berki F.H., Keskiog’li O. Hatemül Enbiya hazrat Muhammed ve hayati. Ankara, 1988; Buhl F.: Musaylima // Islam ansiklopedisi. – T. 8. – Istanbul, 1960. – Б. 820-821; ўша муаллиф. Ebu Bekir // Islam ansiklopedisi. – T. 4. – Istanbul. 1965. – Б. 12-14; Watt M. Muhammad at Medina. – Oxford, 1962; Muir W. The Caliphate. – Oxford, 1924; Ameer A.: A Short History of the Saracens. – Lahore, 1993; ўша муаллиф. The Spirit of Islam. – Lahore, 1995; Muhammad A. Economic Teachings of Prophet Muhammad. – Islamabad-Pakistan, 1989;

⁵ ألقنار ح.ف. ألسلام و السياسة: بحث في أصول النظرية السياسية و النظام الحكم في الإسلام. – القاهرة: دار المعارف، 2005؛ شريف أ. نظم الحكم و الإداري في الدولة الإسلامية: دراسة مقارنة. – القاهرة: معهد الدراسات الإسلامية، 1991؛ البدوي إ. نظام الحكم الإسلامى مقارنا بالنظم السياسي المعاصرة. – بيروت: دار الفكر العربي، 1986؛ الزين س.أ. نظام الإسلام: الحكم، الإقتصاد، الإجماع. – بيروت: دار الكتاب اللبناني، 2009؛ عوض ح.أ. الأبعاد السياسي للمفهوم الحكيمية: رؤية معرفية. فيرجينيا، الولايات المتحدة: معهد العالمي للفكر الإسلامى، 1995؛ عبدالحافظ أ.ف. الفكر السياسي الإسلامى. – القاهرة: دار الجامعة الجديدة، 2002؛ خليفة أ.، في علم السياسة الإسلامى. – بيروت: دار المعرفة الجمعية، 1989؛ العشاوى م.س. المعالم الإسلامى. – القاهرة: سينا للنشر، 1996؛ الألفندي أ.أ. الإسلام و الدولة الحديثة نحو رؤية جديدة. – القاهرة: دار الحكمة، 2009؛ يوسف قرضاوي. من فقه الدولة في الإسلام: مكانتها، معالمها، طابعاتها، موقفها من الديمقراطية و التعددية و المرأة و غير مسلمين. – القاهرة: دار الشروق، 1997؛ حنفي ح. دراسات إسلامية. – القاهرة: دار التنوير للطباعة و النشر، 1982؛ ألقيات أ. النظام السياسي في الإسلام: النظرية السياسية: نظام الحكم. – القاهرة: دار السلام، 2000؛ يعقوب أ.ح. النظام السياسي في الإسلام. – القاهرة: دار الإسلامية، 1996؛ النبراوي ف.، مهنا م. قضايا العالم الإسلامى و مشكلاته السياسية بين الماضي و الحاضر. – القاهرة: منشئات المعارف، 2000؛ رضا هلال. السيف و الهلال: تركيا من أتا تورك إلي إرباكان: الصراع بين المؤسسة العسكرية و الإسلام السياسي. – القاهرة: دار الشروق، 1999؛ خليفة ابن خيات. التاريخ. – الرياض: دار طيبة، 1968؛ علي إبراهيم حسن. النظم الإسلامية – القاهرة. 1996. الحسينى معدى، “ثورة 25 يناير: انتفاضة شعب و سقوط الفرعون” (القاهرة، دار الخلود للتراث، 2011؛ توفيق المديني، “سقوط الدولة البوليسية في تونس” (بيروت، الدرا العربية للعلوم ناشرون، 2011؛ خالد السيد محمد، “ثورة 25 يناير” (القاهرة: دار النهضة المصرية، 2011؛ فايز سارة، “العرب و تحديات القرن: مطالع الثورة و مقدمات الربيع العربي” (القاهرة: دار الكتب، 2011؛ محمد المهدي، “عقريية الثورة المصرية” (القاهرة: دار الشروق، 2011؛ محمد عمارة، “ثورة 25 يناير وكسر حاجز الخوف” (القاهرة: دار السلام للطباعة و النشر، 2011؛ نادية مصطفى، “الثورة المصرية نموذجاً حضارياً” (القاهرة: مركز الحضارة للدراسات السياسية، 2011؛ نزار شقرون، “رواية الثورة التونسية” (تونس: مؤسسة الدوسري للثقافة و الإبداع، 2011؛ وحيد عبد المجيد، “ثورة 25 يناير: قراءة أولى” (القاهرة: مركز الأهرام للنشر و التوزيع، 2011؛ احمد زايد، “اركيولوجيا الثورة و إعادة البعث للطبقة الوسطى الديمقراطية”، السياسة الدولية، مؤسسة الأهرام، العدد 42، إبريل 2011؛ إيمان احمد رجب، “المفاهيم الخاصة بتحليل انهيار النظم السياسية”، السياسة الدولية، مؤسسة الأهرام، العدد 184، إبريل 2014؛ دينا شحاته، “مركات التغيير في العالم العربي”، السياسة الدولية، مؤسسة الأهرام، العدد 184، إبريل 2015؛ وحيد عبد المجيد، “نهاية الأهانة ثورة 25 يناير ضدالنظام الهش في مصر”، السياسة الدولية، مؤسسة الأهرام، العدد 184، إبريل 2014، ص20؛ هالة مصطفى، “عودة الروح و الوعى الديمقراطي”، السياسة الدولية، مؤسسة الأهرام، العدد 42، إبريل 2016.

Л.Лобода, Н.Бровн, А.Хамзавий, М.Оттавай, Ш.Али, Дасукий А.Ҳилал, М.Аркун, Б.Тибининг илмий ишларида⁶ кўриш мумкин.

Диннинг сиёсийлашуви хусусан, исломнинг сиёсийлашуви масалаларига доир илмий ишлар МДХ давлатларида ҳам кенг кўламда олиб борилмоқда. Жумладан, Араб-мусулмон давлатининг теократик асоси ва давлат бошқаруви принципларига Муҳаммад пайғамбарнинг фаолияти, у асос солган давлатнинг ташқи сиёсати ва араб истилоларига доир масалаларга О.Г.Большаков, В.В.Бартольд, П.А.Грязневич тадқиқотларида асосий эътибор қаратилган бўлса, М.Б.Пиотровский, С.М.Прозоров⁷лар ислом тарихи, Муҳаммад пайғамбар ҳаёти, унинг вафотидан сўнг Арабистон ярим оролидаги беқарорлик, ислом жамоасининг бўлиниш жараёнларини ёритганлар⁸. С.Э.Бабкин, В.Е.Донцов, Н.В.Жданов, А.А.Игнатенко, Р.Г.Ланда, А.В.Малашенко, С.А.Модестов, О.Г.Пересыпкин, Д.Сюкияйнен, С.А.Семедов, М.С.Зинченколарнинг ишларида⁹ эса мусулмон дунёсида

⁶ Esposito J.L. Islam and Politics. – Third edition. – Syracuse University Press, 1984. – 335 p.; Esposito J. Islam: The Straight Path. - Oxford University, 1988; Mitchell R.P. The Society of Muslim Brothers. – London, 1969; Halliday F. The politics of Islamic fundamentalism: Iran, Tunisia and the challenge to the secular state // Islam, globalization and post modernity (Ed. by Ahmed A.S., Donnan H.). – L.; N.Y., 1994; Olsen, Gorm Rye. Islam: what is its political significance? The cases of Egypt and Saudi Arabia. // Islam: State and Society. – Klaus Ferdinand and Mehdi Mozaffari. - Scandinavian Institute of Asian Studies, London, 1988. – 219 p.; Milton-Edwards B. Contemporary Politics in the Middle East. – U.K.: Cambridge, 2000. – 256 p.; Habeck M. Knowing the Enemy: Jihadist Ideology and the War on Terror. - School of Advanced International Studies, Johns Hopkins University. - New Haven: Yale University Press, 2006. – 243 p.; Vatikiotis P.J. The Middle East. From the end of Empire to the end of Cold War. – London and New York, Routledge, 1997. – 284 p.; Loboda L. The Thought of Sayyid Qutb: Radical Islam's Philosophical Foundation. – Ashbrook Statesmanship Thesis. – Ashbrook Center for Public Affairs, Ashland University, 2004. – 36 p.; Brown N., Hamzawy A., Ottaway M. Islamist Movements and the Democratic Process in the Arab World: Exploring Gray Zones // Carnegie Endowment. - Carnegie Paper No. 67, March 2006. - <http://www.carnegieendowment.org/publications>. Shaukat Ali. Islam and Politics. – Southeastern Massachusetts University, USA. – Aziz Publishers, Urdu Bazaar, Lahore. – July 1990; Dessouki, Ali E. Hillal (ed.). Islamic Resurgence in the Arab World. - New York: Praeger, 1982; Arkoun Mohammed. - Islam et democratie. Quelle democratie? Quele Islam? // in Cites, PUF 12, 2002); Deeb M.-J. Understanding Islam. Islamic Scholar in Residency at the Library. - African and Middle Eastern Division. // Information Bulletin of the Library of Congress. – Washington, November 2001.; Tibi B. The Challenge of Fundamentalism. Political Islam and the New World Disorder. Berkeley, 1998.

⁷ Большаков О.Г. История Халифата: в 3 томах. – Москва.: ГРВЛ, 1989-1998; Абу Бакр ас-Сиддик // Ислам: энциклопедический словарь. – Москва.: ГРВЛ, 1991 (бундан кейин: Ислам). – С. 8-9; Байт ал-мал // Ислам. – С. 37; Закат // Ислам. – С. 74; Умар // Ислам. – С. 241; Усман // Ислам. – С. 242-243; Ушр // Ислам. – С. 247-248; Фай // Ислам. – Б. 248; Халифа // Ислам. – Б. 268; ал-Харадж // Ислам. – С. 273-274; Хисба // Ислам. – С. 279; Средневековый город Ближнего Востока: VII-середины XIII в.: Социально-экономические отношения – Москва.: Восточная литература, 2001.; Бартольд В.В.: Халиф и султан // Соч. – Т. VI. – М.: Наука, 1966. – С. 17-78; Теократическая идея и светская власть в мусульманском государстве // Соч. – Т. VI. – Москва.: Наука, 1966. – С. 303-319; Грязневич П.А.: Формирование арабской народности раннего средневековья // Ислам. Религия, общество, государство. – Москва.: ГРВЛ, 1984. – С. 132-144;

⁸ Пиотровский М.Б. ар-Ридда // Ислам. – С. 198-199; ўша муаллиф. Пророческое движение в Аравии в VII в. // Ислам. Религия, общество, государство. – Москва.: ГРВЛ, 1984. – С. 19-27; Светское и духовное в теории и практике средневекового ислама // Ислам. Религия, общество, государство. – Москва.: ГРВЛ, 1984. – С. 175-188; Прозоров С.М.: Али ибн Аби Талиб // Ислам. – С. 18-19; Имам // Ислам. – С. 97-98; ўша муаллиф. К проблеме верховной власти в исламе // Ислам ва дунёвий-маърифий давлат (халқаро анжуман тезислар). – Тошкент.: Имом Бухорий халқаро жамғармаси, 2002. – С. 8-12.

⁹ Бабкин С.Э. Движения политического ислама в Северной Африке. – Москва., 2000; Донцов В.Е. Современные исламские движения и организации на Ближнем Востоке в системе международных отношений. – Москва., 2001; Жданов Н.В. Исламская концепция миропорядка. – Москва., 2003; Игнатенко А.А. Политический радикализм в исламе. – Москва., 2004; Иран: ислам и власть. – Москва., 2001; Ислам и исламизм. Е.М.Кожокина тахрири остида тайёрланган. – Москва., 1999; Ислам и политика (Взаимодействие ислама и политики в странах Ближнего и Среднего Востока, на Кавказе и в Центральной Азии). – Москва., 2001; Одноразовая демократия для Египта // ИГ-Религии. 18.01.2012; Семедов С.А. Ислам в политике:

исломнинг сиёсийлашуви ва “ислом омили”нинг Яқин Шарқ ва Шимолий Африка давлатлари ички ва ташқи сиёсатига таъсири масалалари кўринади.

Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган диншунос ва сиёсатшунос олимлар А.А.Ҳасанов, З.М.Ҳусниддинов, Ҳ.Мухамедов, Қ.Зоҳидов, З.Шокирова Арабистон ярим ороли тарихи, Муҳаммад пайғамбар ҳаёти, Араб-мусулмон давлатчилиги тизими шаклланишининг босқичлари, илк ислом давлатчилигида аста-секин динийликдан дунёвийлик тамойилларининг ажралиб чиқа бошлаши ва давлат ривожига теократик тизимдан дунёвий давлатга ўтиш босқичлари, диний-сиёсий оқимларни ўз тадқиқотларида ўрганганлар¹⁰. Республикадаги таниқли сиёсатшунос ва ҳуқуқшунос олимлардан Ш.Пахрутдинов, З.Мунавваров, С.Ғафуров, Ш.Ёвқочев, М.Ражабова, О.Юсупов, М.Нуритдинов, З.Ҳусниддинов, Ў.Ҳасанбоев, А.Тулупов, А.Абдисатторов, Ф.Каримовлар томонидан амалга оширилган ишларда араб давлатларидаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар, халқаро ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш муаммолари ўрганилган¹¹.

идеология и практика / С.А. Семедов. – Москва., 2009; Ислам на постсоветском пространстве: взгляд изнутри / Мухаррирлар. А.Малашенко и М. Брилл Олкотт. – Москва., 2001; Комар В.И. Исламские политические движения в Северной Африке: генезис и типология. – Москва., 2001; Ланда Р.Г. Исламо-экстремизм и Россия в контексте отношений Восток-Запад // Ближний Восток и современность. 2002. Вып. 14., Политический ислам: предварительные итоги. – Москва.: ИБВ, 2005. – 285 с., Россия и ислам: путь к взаимодействию / Институт востоковедения Российской академии наук. – Москва.: Медина, 2016. – 338 с.; Малашенко А.В. Исламские ориентиры Северного Кавказа. – Москва., 2001; Мусульманские страны у границ СНГ (Афганистан, Пакистан, Иран и Турция – современное состояние, история и перспективы). – Москва., 2001; Модестов С.А. Геополитика ислама. – Москва., 2003; Сюкияйнен Л. Ислам против ислама. Об исламской альтернативе экстремизму и терроризму // Центральная Азия и Кавказ. Лулео, 2002. № 3; Сюкияйнен Л. Ислам против исламского экстремизма // Азия и Африка сегодня. 2003. № 2; Зинченко М.С. Проблема политизации ислама в современном мире: вопросы теории и практики / М.С. Зинченко // Правовая политика и правовая жизнь: Академический и вузовский юридический научный журнал. – Саратов, 2010. – № 1 (38). – С. 138 – 144 (0,5 п.л.), Зинченко М.С. Политизация религии: понятие, сущность, причины появления / М.С. Зинченко // Актуальные проблемы политического развития современной России: Материалы научно-практической конференции студентов и молодых ученых. – Кемерово, 2010 – С. 42-48.

¹⁰ Ҳасанов А. Макка ва Мадина тарихи. – Тошкент.: Мехнат, 1992; ўша муаллиф. «Жоҳилия» асри арабларида яқка худойик ғоясининг шаклланиши // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1994. – № 1-2; Қадимги Арабистон ва илк ислом: I китоб. Жоҳилия асри. – Тошкент.: ТИУ, 2001; Мисрда “Ихвон муслимин”нинг ҳокимият тепасига келиши ва қулаши // Хорижий Шарқ мамлакатлари тарихий жараёнлари ва уларни ўрганишнинг долзарб муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари. - Тошкент.: ТошДШИ, 2015. - Б. 10; Ҳусниддинов З.М.: Ислам: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. – Тошкент.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000; ўша муаллиф. Ислам ва мазҳаблар. – Тошкент.: Мовароуннаҳр, 2000; Мухамедов Ҳ. Ислам ва давлат назарияси муаммолари. – Тошкент.: Адолат, 1999; Заҳидов Қ.Т. Илк ислом давлатчилиги ва унинг шаклланиш жараёнлари (632-661 йиллар): Тар. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент.: ТИУ, 2005.; Шокирова З. Илк исломда сулҳпарварлик тамойилларининг тарихий-киёсий таҳлили: Тар. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент.: ТИУ, 2012.

¹¹ Жўраев Т.А., Пахрутдинов Ш.И. Дунёвий давлатчилик ва сиёсийлашган динийлик. – Тошкент.: Академия, 2008; Мунавваров З.И. Страны Аравийского полуострова в международных политических и экономических отношениях 20 века: автореф. дисс. ... док. полит. наук. – Ташкент., 1997; “Араб баҳори” ва Марказий Осиё хавфсизлиги муаммолари // Хорижий Шарқ мамлакатлари тарихий жараёнлари ва уларни ўрганишнинг долзарб муаммолари (илмий-амалий конференция материаллари). - Тошкент.: ТошДШИ, 2016. - Б.79; Ёвқочев Ш.А. Исламский фактор в политической системе современного Египта. – Ташкент.: Ташкентский исламский университет, 2008; Миср Араб Республикасида: давлат ва диний институтлар. – Тошкент.: Академия, 2007. – 36 б., Мусулмон оламида сиёсий тизимларнинг шаклланиши //Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2007. № 3. 94-95 б; Ражабова М. Диний экстремизм ва террорчилик. – Тошкент.: Мовароуннаҳр, 2000; Нуритдинов М. Ислам: бағрикенглик ва мутассиблик. – Тошкент.: 1998; Ҳусниддинов З.М.: Ислам: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. – Тошкент.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2000; Ислам ва мазҳаблар. – Тошкент.: Мовароуннаҳр, 2000; Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. – Тошкент.: ТИУ, 2014; Мухамедов Ҳ. Ислам ва давлат назарияси муаммолари. – Тошкент.: Адолат, 1999; Тулупов А. Ислам ва

Ушбу диссертацияни тайёрлаш жараёнида номлари санаб ўтилган тадқиқотчиларнинг назарий хулосалари ва концептуал мулоҳозалари ҳам таҳлил қилинди.

Юқоридаги илмий ишларни эътироф этган ҳолда, айтиш лозимки, Африка араб давлатларида исломнинг сиёсийлашув жараёнлари минтақавий хавфсизлик контекстида ва мавжуд сиёсий-ижтимоий муаммолар нуқтаи назаридан алоҳида тадқиқот сифатида ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий тадқиқот ишлари режасининг №10 “Шарқ мамлакатларида кечаётган сиёсий-ижтимоий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг халқаро муносабатларга таъсири” мавзуидаги устувор илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Африка араб давлатларида ислом дини сиёсийлашуви муаммосининг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитлари, унинг минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазият ва сиёсий жараёнларга таъсирини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

дин сиёсийлашуви борасидаги назарий-концептуал қарашлар ва уни тадқиқ этишнинг услубий асосларини таҳлил этиш;

ислом дини сиёсийлашуви ҳақидаги назарий ёндашувларнинг шаклланиши ва ривожланишини ўрганиш;

глобаллашув шароитида ислом дини сиёсийлашувининг ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсирини кўриб чиқиш;

араб давлатларида ислом динининг сиёсийлашуви жараёни тадрижи масалаларини ҳамда араб давлатлари расмий-сиёсий, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида дин омилининг ўрни ва аҳамиятини сиёсий фан нуқтаи-назардан таҳлил этиш;

Африка араб мамлакатларидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга исломий партиялар ва диний ташкилотларнинг таъсирини очиқ бериш;

Африка араб давлатларида ислом дини сиёсийлашуви жараёнининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда унинг этно-сиёсий ва этно-диний вазиятга таъсирини ўрганиш;

Африка қитъасининг халқаро муносабатлардаги сиёсий ва геостратегик мавқеи ва унда ташқи кучлар манфаатларининг шаклланиш жараёнларини илмий таҳлил қилиш;

Шимолий-Шарқий Африка минтақавий хавфсизлигини таъминлашда сиёсий исломнинг ўрни ва ролига баҳо бериш;

замонавий сиёсий ўзгаришлар жараёнида Африка қитъасида хавфсизликни таъминлаш масалаларини тадқиқ этишда концептуал хулосалар ва амалий таклифларни ишлаб чиқиш;

ақидапараст оқимлар. – Тошкент.: Sharq, 2014; Абдисатторов А.А. Форс кўрфази араб давлатлари ташқи сиёсатида “ислом омили”нинг сиёсий таҳлили: сиёсий фан номз. ... дисс. автореф. – Тошкент.: ТошДШИ, 2005; Каримов Ф.Э. Яқин Шарқ давлатларидаги этносиёсий жараёнларнинг минтақа хавфсизлигига таъсири: сиё. фан. PhD... дисс. автореф. – Тошкент.: ЎЗМУ, 2017.

илмий хулосаларга таянган ҳолда Ўзбекистонда давлат ва дин ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда хизмат қилувчи таклиф ва тавсиялар бериш.

Тадқиқот ишининг объекти сифатида Африка араб давлатларида диннинг сиёсийлашуви ва унинг сиёсий жараёнларга таъсири билан боғлиқ муаммолар олинган.

Тадқиқот ишининг предмети сифатида Африка-араб мамлакатлари жойлашган ҳудудларда ислом дини сиёсийлашувининг сабаблари ва шарт-шароитлари, унинг минтақадаги сиёсий жараёнларга таъсири каби масалалар белгиланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Асосан араб тилида яратилган бирламчи манбаларни таҳлил қилишда тарихий-қиёсий услуб қўлланилди. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов ҳамда Президент Ш.М.Мирзиёевнинг асарларида илгари сурилган миллий ғоя ва миллий қадриятларнинг асоси бўлган ислом динига нисбатан ҳурмат билан ёндашиш, динлараро бағрикенглик ҳақидаги фикр ва кўрсатмаларига таянилди.

Диссертацияда сиёсий жараёнларга ёндашувда холислик, тарихий-таҳлилий, қиёсий-таҳлилни диалектик-ахлоқий тамойилларга асосланган усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

араб давлатларида ишсизлик, аҳоли турмуш даражасининг пастлиги, саводсизлик, уй-жой етишмаслиги, ижтимоий қолоқлик, коррупция, уруғ-аймоқчилик авж олиб кетгани, ташқи кучларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга аралашуви, ислом динининг сиёсийлашувига таъсир этувчи омиллар сифатида очиб берилган;

араб давлатларида сиёсий ислом тарафдорларининг сайлов жараёнларига бевосита таъсирининг олдини олиш, диний сиёсий партияларнинг сиёсий жиҳатдан фаол бўлишларига, диний мазмундаги турли сиёсий ҳаракатларни ташкил этилишига йўл қўймаслик диний муҳитни соғломлигини таъминлашнинг муҳим шарти экани исботланган;

ташқи куч омилининг араб давлатларидаги сиёсий жараёнларга, хусусан, мусулмон ва христианлар, сунний ва шиалар ўртасидаги муносабатларга таъсирини олдини олиш мақсадида минтақа давлатлари ўртасида диний бағрикенглик, диний конфессиялараро мулоқот, ўзаро ишончни янада мустаҳкамлаш зарурияти асослаб берилган;

Африка араб давлатлари ва Ўзбекистон Республикасининг диний экстремизм ва мутаассибликка қарши кураш, мазкур муаммоларнинг ечимига доир ёндашувларини мувофиқлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

давлат ва дин муносабатларида, диний конфессиялараро мулоқотни тартибга солишни янада такомиллаштириш, фуқароларга диний ва миллий бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик тамойилларини қарор топтириш борасида амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

дин ва давлат ўртасидаги муносабатларни тартибга солишнинг сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатлари ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан ёритилиб, уларнинг

асосий хусусиятлари очиб берилган;

давлатларнинг сиёсий тизимлари фаолиятига сиёсий ислом таъсирининг ўзига хос тавсифи назарий жиҳатдан очиб берилган ҳамда шу асосда давлат ва дин ўртасидаги муносабатларни тартибга солишнинг сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатлари ёритилиб, бу борада назарий тавсиялар ишлаб чиқилган;

араб дунёсида хавфсизликни таъминлашда конфессиялараро муносабатлар ва мулоқотни мустаҳкамлаш бўйича таклифлар асосланган;

Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Бухорий ҳамда Имом Термизий халқаро илмий тадқиқот марказлари доирасида ўқитиладиган фанлар, тадқиқот мавзулари, ёшларда бағрикенглик маданиятини юксалтиришнинг йўллари ва воситаларини атрофлича тарғиб этиш бўйича таклифлар берилган;

давлат динни халқ маънавиятининг узвий қисми сифатида тан олган ҳолда диний эркинлик ҳамда фуқароларнинг динга эътиқод қилишларига имконият яратиш бериш билан бирга, диний ташкилотларни давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш бўйича таклиф ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқотда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, давлат ва дин ўртасидаги муносабатларни тартибга соладиган ҳамда уларнинг фаолиятини ўрганадиган ташкилотларнинг таҳлилий ҳужжатлари, оммавий ахборот воситаларида келтириладиган маълумотлардан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларидан олий ўқув юртлари ўқув жараёнида “Диншунослик”, “Сиёсат ва дин”, “Жаҳон сиёсатида ислом омили” каби фанлардан ўқув қўлланмалар, дарсликлар яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялардан республикада диний ташкилотлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш бўйича ишлаб чиқилган дастурий ҳужжатларда, соҳани самарали ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Африка араб давлатларида диннинг сиёсийлашуви ва унинг салбий таъсирини олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар ҳамда тадқиқот натижалари асосида:

ислом дини сиёсийлашувининг ижтимоий-сиёсий жараёнларга, минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлашга таъсири, Африка араб давлатларидаги сиёсий жараёнларда ташқи куч омили каби масалаларни ўрганиш юзасидан олиб борган илмий тадқиқотлар натижалари, хулосалари, шунингдек, этно-сиёсий, этно-диний зиддиятларни ҳал қилиш ҳамда

минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсиялари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ахборот-таҳлилий хужжатларини тайёрлашда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2016 йил 26 октябрдаги №02\2-1093-сон маълумотномаси). Мазкур тадқиқот хулосалари, таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг кўмиталари томонидан 2016 йил давомида ташкил этилган бир қатор тадбирларда, шу жумладан, 2 август Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда маҳаллий кенгашларда, 23 август Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигида, 27 октябрь ТошГА Ҳарбий-тиббиёт факультетида ўтказилган семинар ва давра суҳбатларида ёшларнинг ахборот хавфсизлиги ва мафкуравий таҳдидларга қарши ғоявий иммунитетини мустаҳкамлашга хизмат қилди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 январдаги “Ақидапарастлик ва миссионерликка қарши кураш, конфессиялар ва миллатлараро ҳамкорлик ва бағрикенгликни таъминлаш борасидаги ишларнинг савияси ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида”ги 3-сон ижроси юзасидан Дин ишлари бўйича кўмита чора-тадбирларининг 3.23, 3.25, 4.29, 4.32, 9.57-бандлари ижросини таъминлашда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича кўмитанинг 2017 йил 23 октябрдаги 6859-сон маълумотномаси). Мазкур тадқиқот натижалари ва хулосалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 4 январдаги 12-сон баёнидаги “2017 йилда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, конфессиялар ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар дастури”нинг 24, 38-бандлари ижросини таъминлаш борасида манфаатдор ташкилот ва идоралар билан ҳамкорликда қўшма дастур ҳамда назорат режаларини янги ғоя ва таклифлар асосида ишлаб чиқилишида муайян даражада хизмат қилди;

илмий-тадқиқот ишида келтирилган маълумотларнинг тегишли қисмларидан СМТИ томонидан тайёрланган таҳлилий хужжатларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтининг 2018 йил 8 январдаги 02/47-сон маълумотномаси). Шунингдек, ушбу илмий иш хулосалари ва таклифлари СМТИнинг тадқиқот мавзусига мос иш жараёнида инобатга олинади;

тадқиқотдан олинган илмий янгиликлардан Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 12 январдаги 545-хх-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2018 йил 13 январдаги №14/1-107-сон 7-11-синф ўқувчилари учун соф ислом дини ҳақида тушунчаларни очиб беришга қаратилган “Илм-маърифатнинг фазилати” номли қўлланмани яратишда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 2 апрелдаги 03-03/1-2-815-сон маълумотномаси). Диссертант Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 28 февралдаги 55-сон буйруғи билан умумтаълим мактабларида ўқув жараёнига жорий этилган мазкур

қўллангани тайёрлашда муаллифлар гуруҳида иштирок этди. Илмий тадқиқотида келтирилган таклиф ва тавсиялари ёшларга диний ва миллий бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро ҳамжихатлик каби тамойилларни тушунтиришда, амалий тавсиялар беришда хизмат қилди;

диссертация натижалари, таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27 мартдаги ПҚ 2855-сон қарорининг 2-сон ижроси юзасидан Марказ чора-тадбирларининг 2.3, 2.9-бандлари ижросини таъминлашда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий Халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2017 йил 12 декабрдаги 09-сон маълумотномаси). Мазкур тадқиқот натижалари диний экстремистик оқимларнинг бузғунчи ғояларига қарши аниқ ва ишончли раддиялар беришда, интернет сайтларини янги маълумотлар билан бойитишда, аҳолини диний-маърифий саводхонлигини ошириш борасида янги таклифлар ишлаб чиқиш имкониятини яратди;

тадқиқотдан олинган илмий янгиликларидан Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш бўйича чора-тадбирларнинг 2-бандида белгиланган вазифаларни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3080-сон Қарори ижросини амалга ошириш бўйича Назорат режасининг 2.6, 2.11-бандларини марказ доирасида ижросини таъминлашда фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг 2017 йил 22 декабрдаги 127-сон маълумотномаси). Мазкур тадқиқот илмий ва диний салоҳиятга эга мутахассисларни тайёрлашда, инсон қалби ва онгини эгаллаш учун турли хавф-хатарлар кучайиб бораётган бугунги мураккаб даврда ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашга хизмат қилади;

илмий-тадқиқот иши хулосалари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тегишли ходимларини экстремистик ва террористик гуруҳларнинг тарихи, ғаразли ғоялари ҳамда замонавий кўринишлари билан таништиришда муайян даражада хизмат қилди (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2017 йил 23 декабрдаги 17/2-2393-сон маълумотномаси);

Африка араб давлатларида дин омилининг этно-диний муносабатларига салбий таъсирини бартараф этишда минтақа давлатлари ҳамда халқаро ҳамжамият билан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлардан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтида ахборот-таҳлилий ҳужжатларни тайёрлашда фойдаланилган (Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг 2017 йил 16 февралдаги 01/017-сон маълумотномаси). Мазкур тадқиқот натижалари ва хулосалар глобаллашув шароитида мафкуравий таҳдидлардан ёш авлодни асраб-авайлаш, бузғунчи ғояларга қарши курашиш, уларнинг салбий оқибатларини бартараф этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш борасида янги ғоя ва таклифлар ишлаб чиқиш имкониятини яратди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича маҳаллий ва хорижий нашрларда жами 65 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 21 та мақола, хусусан, 19 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 244 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи амалий натижалари баён қилинган. Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Дин сиёсийлашуви жараёнини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари**” деб аталган. Ушбу бобда дин сиёсийлашуви борасидаги назарий-концептуал қарашлар ва уни тадқиқ этишнинг методологик асослари, ислом дини сиёсийлашуви ҳақидаги назарий ёндашувларнинг шаклланиши ва ривожланиши, глобаллашув шароитида ислом дини сиёсийлашувининг ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсири тадқиқ қилинган.

Дин ўз табиатига кўра, ўта мураккаб ижтимоий-маънавий ҳодиса бўлиб, у ғайритабиий кучларнинг мавжудлигига нисбатан ишончнинг хосиласидир. “Дин” атамаси араб тилидан таржимада “ишонч”, “ишонмоқ” деган маъноларни англатади¹². Ушбу бобда диннинг сиёсийлашуви борасидаги назарий-концептуал қарашлар, ислом динининг сиёсийлашуви ҳақидаги назарий ёндашувлар, уларнинг моҳияти, ривожланиш босқичлари

¹²Ҳасанбоев Ў. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари: диний ташкилотлар, оқимлар, мафкуравий курашнинг долзарб йўналишлари. – Т.: ТИУ, 2014. – Б. 323.; Мисрлик тадқиқотчи Абдул Ваҳҳоб Ан-Наворий “Маъна калимат ад-дйн” номли мақоласида дин калимасининг луғавий ва истилоҳий маъноси охираат куни, самовий рисола, ибодат, дастур, самовий китоблар, ваъда ва ишонч, йўл, қонун ва шарияат деган маъноларни англатишини очиб берган.

http://www.ahl-alquran.com/arabic/show_article.php?main_id=15221

ҳамда глобаллашув шароитида ислом дини сиёсийлашувининг ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсири таҳлил қилинган.

Тадқиқотда дин ва диннинг сиёсийлашуви борасида нафақат олимлар, давлат арбобларининг фикрлари ва ёндашувлари, балки, маълум бир давлатда, давлатлараро ёки халқаро миқёсда қабул қилинган умумэътироф этилган таърифлар ҳам келтириб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади” - деб таъкидлайди¹³.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов диннинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида қуйидаги фикрларни билдирган: “Энг аввало жамият, гуруҳ, алоҳида шахс маънавий ҳаётининг муайян соҳаси бўлган дин умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олган, уларни жонлантирган, ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор қоидаларига айлантирган. ... Дин одамларда ишонч ҳиссини мустаҳкамлаган. Уларни поклаб, юксалтирган. Ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларини енгиб ўтишларида куч бағишлаган. Умуминсоний ва маънавий кадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан авлодга етказишга ёрдам бериб келган. ... Шунинг учун ҳам дин инсоннинг ҳамроҳи, одамзод ҳаётининг бир қисми бўлиб келмоқда.

Диннинг юксак ролини эътироф қилиш билан бирга, диний дунёқараш тафаккурнинг, инсоннинг ўзини ўраб турган дунёга, ўзи каби одамларга муносабатининг ягона усули бўлмаганини таъкидлаш зарурдир. Дунёвий фикр, дунёвий турмуш тарзи ҳам у билан ёнма-ён ва у билан тенг яшаш ҳуқуқига эга бўлган ҳолда ривожланиб келган”¹⁴.

Тадқиқотда дин ва сиёсатнинг ўзаро боғлиқлиги борасидаги қарашлар таҳлил этилиб, сиёсатнинг динга нисбатан устунлиги билан боғлиқ тўрт тоифадаги мавжуд таҳдидлар келтирилган:

биринчидан, шахс устидан назоратнинг ўрнатилиши ҳамда мавжуд тузумни борича қабул қилганлик учун рағбатлантириш йўли билан ижтимоий, психологик ва иқтисодий норозиликларни бостириш;

иккинчидан, сиёсатчи ва диндор ўртасидаги ўзаро мувофиқ келишувга эришиш йўлидаги сулҳнинг тузилиши. Бунда сиёсатчи охират азобларидан холи бўлиш мақсадида диндорга, диндор эса, ўз навбатида дунёвий ҳаёт азобларидан ҳимояланиш мақсадида сиёсатчига мурожаат этади;

учинчидан, диний масалаларда тоталитар ёндашув тарафдорлари билан боғлиқ таҳдидлар. Дин табиатан кенг қамровли эканлигини эътироф этган ҳолда, унинг кўмагида улар жамоатчилик фикрининг барча кўринишлари устидан назорат ўрнатишга интиладилар;

тўртинчидан, кучли конфессионал ёндашув тарафдорларидан келиб чиқувчи хатарлар. Улар турли динларга эътикод қилувчи шахслар ўртасида

¹³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. <http://www.uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>

¹⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б.441-442.

ўта хатарли масофаларнинг шаклланишига сабабчи бўладилар. Натижада, Ватан эмас, балки муайян диний жамоага тегишли бўлган алоҳида шахслар гуруҳи вужудга келади.

Мазкур бобда дин сиёсийлашувига оид таърифлар ва уларнинг сабаблари ҳам очиб берилган. Россиялик сиёсатшунос С.А. Семедовнинг таъкидлашича: “Диннинг сиёсийлашуви – бу барча жаҳон динларида диний фундаментализм юзага келадиган жараён”¹⁵. Мисрлик сиёсатшунос Самих Аътиф Ал-Зайн: “Замонавий сиёсий муносабатларда диннинг фаол сиёсийлаштириш мана шу барча уч тур бўйича амалга оширилмоқда ва шунга кўра, бундай интилиш янада кучайиб боради. Сиёсий жараённинг ҳам минтақавий, ҳам глобал табиатини белгилаб оммавий онг, маънавий-ахлоқий, маданий, ижтимоий-иқтисодий, айниқса, дунёнинг турли қисмларидаги ривожланишнинг сиёсий масалаларига муҳим таъсир кўрсатувчи реал сиёсий кучга айланган, сиёсий дин бўлган ислом – исломчилик учун айтилган гаплар одилонадир”¹⁶ – деб фикр билдиради. Мисрлик Аҳмад Хусайн Якубнинг фикрига кўра, исломни сиёсийлашуви – бу модернизация ва глобаллашувга бўлган жавобдир¹⁷.

XX-XXI асрлар оралиғида ислом ҳам мамлакатлар ичидаги, ҳам халқаро миқёсдаги сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатувчи жиддий омилга айланди. Шу пайтда исломни сиёсийлашуви дунёда ижтимоий-сиёсий кескинликни келтириб чиқарди. Албатта, бунинг ўзига хос сабаблари мавжуд. Академик муҳитда дин ва исломнинг сиёсийлашуви сабаблари ҳақида ягона фикрнинг ўзи йўқ. Сиёсатшунослик, фалсафа ва публицистикада сиёсийлашувни кўпинча радикаллаштириш билан бир хил деб ҳисоблайдилар.

Тадқиқот муаллифи радикаллаштириш – исломни сиёсийлашувининг кескин шакли эканлигини таъкидлайди. Россиялик тадқиқотчи Р.Л. Ланда “...исломни радикаллаштиришнинг 6 омили”ни ажратиб кўрсатади: 1) йиллар ўтиб ҳеч қанча заифлашмаган, ҳатто мустамлакачилик ва ундан кейинги даврда мустаҳкамланган Ғарбга қарама-қарши туришдаги қадимги одат; 2) батамом Шарқни, хусусан, мусулмон шарқини замонавийлаштириш ва “Ғарблаштириш”нинг чегараланган, маҳаллий, ниҳоясига етказилмаган кўриниши; 3) мусулмонлар кенг оммасининг дунёвий миллатчилар, бундан ташқари уларнинг мусулмон мамлакатларидаги мустамлакачиликдан кейинги оғир масалаларни ҳал эта олмаётган социалистик қаноти сиёсатидан умидсизлиги; 4) уларнинг онгида дунёвий миллатчиларнинг тажрибаси, яъни социализм, либерализм, гўё “импорт мафкуралар” каби демократик тасаввурлар билан бирга Ғарб маъмурий, юридик, мафкуравий андозалар

¹⁵ Семедов С.А. Ислам в поисках новой системы миропорядка // Роль государственных органов управления в предотвращении экстремизма. Материалы научно-практической конференции. - Махачкала, 2009. – С.56.

¹⁶ الزين س.أ. النظام الاسلامي: الحكم، الاقتصاد، الاجتماع. – بيروت: دار الكتاب اللبناني، 2009. – ص. 23.
Ал-Зайн С.А. Низом ал-ислам: ал- хукм, ал-иқтисод, ал-ижтимаъ. – Байрут.: Дар ал-Китаб ал-Лубнаний, <http://dar.bibalex.org/webpages/mainpage.jsf?PID=DAF-Job:3508>

¹⁷ يعقوب أ.ح. النظام السياسي في الاسلام. – القاهرة: دار الاسلامية، 1996. ص. 121.
Якуб А.Х. Ан-Низом ас-сиясий фи ал-ислам. – Ал-Қоҳира.: Дар ал-ислабий, <http://dar.bibalex.org/webpages/mainpage.jsf?PID=DAF-Job:107373>

билан боғлиқ барча нарсани зўрлик билан ажратиб олиш; 5) мусулмон жамиятини, гарчи чегараланган, аммо ҳаётнинг ижтимоий ва диний соҳасида ислом монополиясига зарар келтираётган “ғарблаштириш”га бўлган қарши ҳаракат сифатида ислом фундаментализми ғояларининг пайдо бўлиши ва тез тарқалиши; 6) урбанизациялашган аҳолини урбанизацияси ва катта кўламдаги маргинализацияси назорат остига олинмаган қишлоқ пауперизацияси жараёнида мусулмон оламини қатламларга ажратиш ва қутбланиш натижасида бу жараённи рағбатлантириб турган ижтимоий кескинликнинг мислсиз ошиши¹⁸.

Сиёсатшунос Ш.А. Ёвқочев исломнинг кучайиши ва сиёсийлашувига олиб келган асосий омилларни икки гуруҳга – ташқи ва ички омилларга ажратиш мумкин дейди: ташқи омиллар: 1. геосиёсий; 2. ташқи сиёсий; 3. диний; 4. ҳарбий-сиёсий; 5. маданий-мафкуравий.; ички омиллар: 1. диний-мафкуравий; 2. иқтисодий; 3. ижтимоий; 4. психологик¹⁹.

Умуман олганда сиёсийлашув жараёни барча дунё динларига хос бўлиб, диннинг сиёсийлашуви турли тарихий даврларда турлича эди. Диннинг сиёсийлашуви – бу доимий жараён бўлиб, то жамиятда дин ва сиёсат бор экан, давом этаверади. Бироқ исломнинг сиёсийлашуви ҳақида том маънода гапириб бўлмайди, чунки исломда дин ва сиёсатга бўлиниш йўқ. Тадқиқотда ушбу тушунча (“исломнинг сиёсийлашуви”ни) сиёсий жараёнларда исломни кучайтириш, сиёсий мақсадларда исломдан фойдаланиш маъносида қўлланилди.

Замонавий мусулмонлар нуқтаи назарига кўра, давлат мустаҳкамлиги ва жамиятдаги ҳамжихатлик улардаги дунёвий ва диний ибтидоларнинг бирлигига боғлиқ эмас, аксинча, кўплаб мусулмонлар ижтимоий-сиёсий ишлардан диний ишларни тўғри ажратиш, дунёвий давлат доирасида диний жамиятнинг тўла ҳуқуққа эга бўлган ҳолда ҳаёт кечирishiга имкониятни эътиборга олмақдалар ва фараз қилмақдалар, исломдан сиёсий мақсадларга эришиш воситаси сифатида фойдаланиш ножоиз, деб ҳисобламақдалар.

Тадқиқотнинг иккинчи боби **“Африка араб давлатларида ислом динининг сиёсийлашуви масаласи”** деб аталган. Унда араб давлатларида ислом динининг сиёсийлашуви жараёни тадрижи, араб давлатлари меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида дин омилининг ҳамда Африка араб мамлакатларидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда исломий партиялар ва диний ташкилотларнинг ўрни тадқиқ қилинган.

Африка араб давлатлари Африка қитъасининг шимоли ва шимолий-шарқий минтақаларида жойлашган. Бугунги кунда уларга Миср, Ливия, Тунис, Жазоир, Марокаш, Мавритания, Судан, Жанубий Судан, Сомали ва Жибути кабиларни киритиш мумкин. Мазкур минтақада ислом динининг сиёсийлашув эволюциясини таҳлил этиш минтақага, ислом дини ва арабларнинг кириб келиши билан боғлиқ бўлиб, VII-VIII асрдан бошлаб Африка араб давлатларидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга ислом дини

¹⁸ Ланда Р.Г. Причины и факторы радикализации ислама // Ислам на современном Востоке / Отв. ред. В.Я. Белокреницкий и А.З. Егорин. – М., 2004. – С. 193–194.

¹⁹ Ёвқочев Ш.А. Ислам ва ҳозирги замон. – Т.: ТИУ, 2010. – С. 69-70.

бевосита таъсир этиб келган. Ислом қоидалари бугунги кунга қадар бир қатор мусулмон давлатлари сингари Африка араб давлатлари ҳуқуқий тизимида ўз аксини топган.

АҚШлик исломшунос Б.Люис: “Ислом ташкил топганидан бошлаб мусулмонларда дин ва давлат узлуксиз боғлиқлигини кўрсатиб келади буни ёзма манбалар, тарих ҳамда тажриба асослайди”, деб таъкидлайди²⁰. Сиёсатшунос А.Х. Якубнинг фикрича: “Сиёсат ва диннинг алоқадорлиги ислом дини принципларида жамланган идеал жамият яратишдек фикрлар билан мос келади”²¹. Шу боис, тадқиқотнинг мазкур бобида бевосита Африка араб давлатларида ислом дини сиёсийлашувининг эволюциясини тадқиқ этишда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга мурожаат этилган. Хусусан, Марокаш, Судан, Ливия, Миср ва бошқа шу каби Африка араб давлатларида ҳозиргача мусулмон ҳуқуқларига амал қилиниб, ҳуқуқ манбаи сифатида Қуръон тан олинади. Кўпчилик конституциялар давлат қонунчилиги ислом тамойиллари асосида тузилиши лозимлигини таъкидлайди. 1971 йилги Миср конституцияси исломнинг жамият ривожига муҳим ролини эътироф этади. Шариат қонунларига риоя қилиш – нафақат диний ва шахсий, балки мусулмон фуқароларнинг ҳуқуқий мажбуриятлари ҳамдир. Сиёсий ҳуқуқлар Миср конституциясида тўлиқ баён этилишига қарамасдан, уларнинг ишлатилиши ахлоқ тамойилларига мос келиши зарурлиги таъкидланади. 1980 йилги қадриятларни парокандаликдан асраш ҳақидаги қонунга асосан раҳбарлик лавозимларини “илоҳий қонунлар”ни рад этувчилар эгаллаши таъқиқланади. Ливияда давлат дини сифатида ислом, қонунчилик асоси сифатида шариат тан олинади. 1977 йилда қабул қилинган “Халқ ҳокимиятини ўрнатиш тўғрисидаги декларация”нинг 2-моддасига асосан “Муқаддас Қуръон Ливия социалистик халқ араб жамаҳириясининг конституциясидир”. Диний омил Ливия давлат механизмининг асосий унсурларидан бўлган. 1969 йилда давлат тепасига келган М.Каддафи ҳам давлат органи тизимларини яратишда уларнинг ислом характериға эътибор берди. 2011 йилдаги янги даврдаги Ливия Республикаси конституциясининг 1-моддасида “Ислом дини давлат динидир. Ислом шариати қонунчиликнинг бош манбаидир” деб белгилаб қўйилган²².

1991 йилги Мавритания конституцияси исломни “давлат ва халқ дини” деб эътироф этади (5-модда), давлатнинг ўзи эса “ҳақиқий демократик ва ижтимоий ислом республикаси” деб таъкидланади. 1996 йилги Жазоир конституциясининг муқаддимасида исломнинг тарихий қадрлиги ва унинг миллий-озодлик ҳаракати билан боғлиқлиги айтиб ўтилади. Жазоир “ислом ери” деб аталиб, 9-моддасида эса давлат ташкилотларида “ислом одатларига” зид ҳолатларга йўл қўйилмаслиги таъкидланади²³. Судан конституциясининг

²⁰ Lewis B. The Return of Islam // Religion and Politics in the Middle East. - Westview Press, 1981. - P.133-154.

²¹ يعقوب أ.ح. النظام السياسي في الإسلام. - القاهرة: دار الإسلامية, 1996. ص. 121.

Якуб А.Х. Ан-Низом ас-сиясий фил-ислам. – Ал-Қоҳира: Дар ал-исламий, <http://dar.bibalex.org/webpages/mainpage.jsf?PID=DAF-Job:107373>

²² https://www.constituteproject.org/constitution/Libya_2012.pdf?lang=ar

²³ Дастур ал-Жумхурият ал-Жазаирийа ад-Демократийа аш-Шаъбиййа <http://www.e-lawyerassistance.com/LegislationsPDF/algeria/ConstitutionAr.pdf>

18-моддасига кўра, давлат ва жамоат ташкилотларида ишловчи мусулмонларга “Қуръон тамойиллари”ни ҳурмат ва ҳимоя қилиш зарурлиги, бошқалар эса ўзларининг кундалик ҳаётларида, иқтисод, сиёсат ва маданий ҳаётда ижтимоий адолат ва Худонинг қироллигида мағфират олиш учун уларни ҳимоя ва татбиқ этишлари лозим²⁴.

Африка араб давлатлари халқлари маънавий ва маданий асосларини асрлар давомида ислом дини шакллантириб келди. Европа ҳуқуқи асослари билан бир қаторда ислом ҳуқуқи, шариат қонунлари минтақадаги давлатлар низом ва конституцияларининг асоси ҳисобланади. Африка араб мамлакатларининг мустақил ривожланиши тажрибалари диний омилга янгича маъно бериб, уни ички сиёсий ривожланишнинг энг муҳим омилларидан бирига айлантирилди. Сиёсий фаолият имиджини шакллантириш жараёнининг ажралмас қисми сифатида қаралди. Жазоирнинг тарихий ривожланиши ўзига хос жиҳатларидан бири ислом динидан муқаддас ҳокимиятнинг ажралиши содир бўлди. Марокашда қирол олий бошқаруви бўлсада, Муҳаммад пайғамбар авлодларидан бўлган шахсининг олий ҳокимияти ҳам мавжуддир.

Минтақада ислом динининг сиёсийлашуви муаммосини тадқиқ этишда ижтимоий-сиёсий жараёнларда исломий партия ва диний ташкилотларнинг ўрни ва аҳамиятига баҳо бериш талаб этилади. Бугунги кунда Африка араб дунёсида демократик асосда сайланадиган парламентга эга бўлган мамлакатлар орасида асосан Жазоир, Миср, Тунис, Марокашни кўрсатиб ўтиш мумкин. Ҳозирги вақтда Африка араб давлатлари сиёсий тизимини модернизациялаш жараёни кетмоқда. Бу ўз навбатида турли диний ва манфаатдор гуруҳлар томонидан танқидга учрамоқда ва вазиятни мураккаблаштирмоқда. Диний ақидалардан фойдаланишга уринишлар рўй бермоқда. Ижтимоий ривожланишда ислом таркибий жиҳатларининг жадаллашуви Африка араб жамиятларидаги замонавий ва анъанавий ибтидоларнинг ўзаро таъсири, Ғарб ва миллий маданият элементларининг ўзаро уйғунлашувидаги қийинчиликлар билан чамбарчас боғлиқ.

Тадқиқотнинг учинчи боби **“Африка араб давлатларида диннинг сиёсийлашуви масаласининг ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсири”** деб номланган. Ушбу бобда Африка қитъасининг замонавий ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги ўрни, Африка араб давлатларида ислом дини сиёсийлашувининг этно-сиёсий ва этно-диний вазиятларга таъсири, ушбу давлатларда сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий муаммоларнинг исломнинг сиёсийлашувига таъсири ўрганилган ва таҳлил қилинган.

Ҳозирги вақтда Африка жаҳон ҳамжамиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Мазкур “уйғонаётган қитъа” олдида турли мураккаб сиёсий муаммолар мавжуд бўлиб, уларнинг айримлари кўп асрлик тарихга эга: мустамлакачилик, иш савдоси ва ҳоказо. Айримлари яқинда пайдо бўлди ёки кучайиб кетди. Бу жараён нисбатан кичик даврни ўз ичига олади, чунки собиқ Совет Иттифоқининг парчаланиб кетиши билан жаҳон геосиёсий

²⁴ Дастур ал-Жумхурият ал-Судан <http://www.moj.gov.sd/constitution.php>

кучларининг мувозанати ўзгарди. Бу эса, шак-шубҳасиз, мазкур қитъадаги ҳаётнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий соҳаларида намоён бўлди. Африка халқлари нисбатан кечроқ сиёсий мустақилликка эришдилар, бироқ иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан уларнинг кўпчилиги ҳамон ҳақиқий ижобий ўзгаришларни ҳис этганлари йўқ.

Африканинг географик жиҳатдан Европа ва Яқин Шарқ минтақаси билан туташ эканлиги қитъанинг геосиёсий ва геоиқтисодий мавқеини ҳамда ривожланган давлатларнинг унга бўлган қизиқишини янада оширади. Шу сабабли, Қоҳира Давлат Университети, Африкани ўрганиш ва тадқиқ этиш институти мутахассисларининг таъкидлашларича, “Бугунги кунда Африка қитъаси ва Яқин Шарқ давлатларини ўзида бирлаштирган улкан ягона геосиёсий ва геостратегик минтақа шаклланмоқда”²⁵.

Африка – минерал ва бошқа хом ашё ресурсларининг улкан захирасига эга қитъа. У жаҳон иқтисодиётининг муҳим хом ашё базаси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Ҳозирги вақтда қитъа жаҳон саноатининг турли хом ашёларга бўлган эҳтиёжини, хусусан, платина моддасининг 92 фоизи, олмоснинг 70 фоизи, марганецнинг 35 фоизи, кобальтнинг 34 фоизи, бокситнинг 15,5 фоизини етказиб бермоқда. Африкада аниқланган хромит захиралари умумжаҳон захираларининг 81 фоизини ташкил этиб, платинанинг 90 фоизи, фосфатнинг 76 фоизи, кобальтнинг 60 фоизи, марганецнинг 61 фоизи, олмоснинг 39 фоизи, олтиннинг 37 фоизи, атом энергия хом ашёсининг 25 фоизи ушбу қитъада жойлашган²⁶. Бундан ташқари, қитъадаги исботланган нефт захиралари 75,4 млрд. баррел ёки бўлмаса бутун дунё нефт захираларининг 7,1 фоизини ва табиий газ захиралари 10,2 трлн. куб метр, дунё захираларининг 7 фоизини ташкил этади²⁷. Табиийки, бу етакчи давлатларнинг минтақага нисбатан қизиқишларини оширади.

Африкада кучларнинг геосиёсий, минтақавий тақсимланишида қудратли армия ва сезиларли даражада инсон салоҳиятига эга бўлган мамлакатлар катта рол ўйнайди. Ушбу қитъада XX асрнинг охирида қарийб 2 млн.дан ортиқ киши ҳарбий ҳолатда бўлишган. Энг йирик армиялар: Миср – 380 минг (82 млн. кишилиқ аҳоли ҳолатида), Марокаш – 266 мингга яқин (34 млн. дан ортиқ), Жазоир – 122 мингга яқин (40.61 млн. дан ортиқ), Эфиопия – 138 минг (99,87 млн.), Ангола – 3 млн. 100 минг (28,81 млн. дан ортиқ), ЖАР – 79 минг (55, 91 млн.)²⁸.

Африка араб давлатлари “совуқ уруши” даврида дунёнинг етакчи давлатларининг геосиёсий манфаатларига тортилган маконга айланди ва бу ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда. Ушбу минтақада геосиёсий вазиятларнинг асослари охириги ўн йилликда давлатларининг ички можаролари, давлатлараро

²⁵ Institute of African Research and Studies - Cairo University. <https://ar-ar.facebook.com/Institute-of-African-Research-and-Studies-Cairo-University-689483467785418/>

²⁶ Khadiagala, Gilbert M. & Terrence Lyons (eds.), African Foreign Policies: Power and Process. – London: Lynne Rienner Pub., 2001. –P.23.

²⁷ ООН и политика неокOLONIALИЗМА в Африке.// <http://www.barichev.ru/public/oon15.htm>

²⁸ أسماء الدول الأفريقية <http://mawdoo3.com>

сиёсий, иқтисодий уруш ва қуролли курашлар, конфессиялараро, турли қабилалар ва миллий-этник қарама қаршиликлар кўринишида ривожланмоқда. Жаҳон жамоатчилигининг доимий диққат-эътиборини жалб этиб келаётган Африкага дахлдор яна бир жиҳат шундан иборатки, ҳозирги вақтда ушбу қитъа қатор давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳудудий можароларнинг гувоҳи бўлмоқда. Бу, бир томондан, Судан-Эфиопия, Сомали-Эфиопия, Яман-Эритрея, Эритрея-Эфиопия, Судан ва Жанубий Судан, Миср-Судан ўртасидаги ҳудудий низолар ва қуролли можаролар бўлса, бошқа томондан эса, у “Араб баҳори” натижасида ҳанузгача кескин вазиятлар сақланиб қолаётган Ливия, Тунис ва Миср каби давлатлар, ўз ечимини топмаган Араб-Исроил низоларининг гувоҳи бўлаётган Яқин Шарқ минтақаси билан ҳам кўшни бўлган минтақа ҳисобланади. Мазкур ижтимоий-сиёсий ва этно-диний вазиятлар минтақада ислом динининг сиёсийлашуви учун қулай шароитлар яратган.

Африка араб давлатларидаги бугунги кундаги асосий муаммолардан бири Ливияда барқарорликни таъминлашдир. “Араб баҳори” натижасида М.Каддафи ҳокимияти ағдарилди ва мамлакат этник-диний низолар кучайди. Ҳатто мамлакатни уч қисмга ажралиб кетиш хавфи туғилди. Шу билан бирга, ИШИД Ливияда ўрнашиб олиб, асосий таҳдид ўчоғига айланди. Натижада Африка араб давлатларида динни ниқоб қилиб олган террорчилик ва экстремистик ҳаракатларни янги тўлқини юзага келди ва мавжудларининг фаоллиги кузатилмоқда.

Диссертациянинг **“Африка қитъасидаги сиёсий жараёнларда ташқи куч омили”** деб номланган тўртинчи бобда глобаллашув шароитида Африка давлатлари ижтимоий-сиёсий хавфсизлигини таъминлашда сиёсий ислом омили, АҚШнинг “Янги Яқин Шарқ” концепциясида Африка араб давлатларининг ўрни ҳамда Африка араб давлатлари ва Ўзбекистон Республикасининг диний экстремизм ва радикал исломга қарши курашиш сиёсати хусусиятлари ўрганилган.

Африка араб давлатларидаги ижтимоий-сиёсий вазиятга кенг таъсир ўтказган ҳодисалардан бири 2011 йилда бошланган “Араб баҳори”дир. Россиялик тадқиқодчи Н.А.Комлева: “Араб баҳори” деб 2011 йил баҳорида Шимолий Африка ва Яқин Шарқ мамлакатларида тез шиддатларда юз берган сиёсий ўзгаришлар йиғиндисида айтиш мумкин”, деб фикр билдиради²⁹. Айтиш мумкинки, “Араб баҳори” мазкур мамлакатлардаги ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги мураккаб ички вазиятга нисбатан норозилик ҳаракати эди, лекин бу ҳодисаларни амалга ошишида, албатта, ташқи таъсирларнинг ҳам роли катта бўлган.

Бу жараёнлар ижтимоий ва диний ҳаракатлар натижаси бўлиб Тунис, Миср, Ливиядаги амалдаги режимлар қулаши, Ямандаги ҳокимият элитасидаги ўзгаришлар ва бугунги кунга қадар давом этаётган Суриядаги расмий ҳокимият ва муҳолифат ўртасидаги курашни келтириши мумкин.

²⁹ Комлева Н.А. Арабская весна: геополитический аспект // [Электронный ресурс]-Режим доступа-URL: http://www.philos.lv/Citu_raksti/Arabskaja.html (дата обращения: 14.03.2014)

Араб, россиялик ҳамда ўзбекистонлик олимларнинг фикрига кўра, агар Тунис, Миср ва Яманда амалдаги режимга қарши намоёнлар ички омиллар ижтимоий-иқтисодий инқироз, ҳукмрон элитанинг коррупцияда айбланиши, ҳақиқий демократик эркинликларнинг йўқлиги, этноконфессионал қарама-қаршилиқларга асосланган бўлса, Ливия ва Сурияда эса ҳал қилувчи омилни муҳолиф кучларнинг ташқаридан қўллаб-қувватланиши ташкил этди³⁰. Бу воқеалар Сомали, Мавритания ва Қомор оролларида ташқари барча араб дунёсини қамраб олиб, давлатларнинг кейинги сиёсий тақдирини ўзгартириши билан бирга, уларнинг сиёсий тизимлари ва тузумларида трансформация юз берди.

2011 йил араб дунёсида бўлиб ўтган ғалаёнлар илмий муомалада “революциялар тўлқини”³¹ ёки “демократлашув тўлқини”³² номи оиди. Бундай ҳодисалар аввал XIX аср ўрталарида “халқлар баҳори” деб ном олган кўринишда, ўтган асрнинг 60-йилларида Африка колониал мамлакатлари билан ва 80-90 йилларда социалистик блок тарқалиши вақтида содир бўлган. Лекин россиялик мутахассис Л.М. Исаев: “Араб баҳорига нисбатан революция терминини қўллаш унчалик тўғри эмас, ижтимоий-сиёсий ларзалар термини бу ҳодисани тўғри очиб беради”, дейди³³.

“Араб баҳори”нинг Шимолий Африка ва Яқин Шарқ мамлакатларига таъсир даражаси турлича бўлди. Шартли равишда бу ғалаёнлар ижтимоий-сиёсий ларзалари давлатлар сиёсий жараёнлари характерида чуқур из қолдирган Тунис, Миср, Яман, Баҳрайн, Ливия, Сурияни ва бу ҳодисалар фақатгина юзаки таъсир кўрсатган Марокаш, Иордания, Ливан, Жазоир, Қувайт, Саудия Арабистони, Судан, Ўмон каби давлатларни келтириш мумкин³⁴. Юқорида қайд этилган биринчи гуруҳ давлатларида “демократлашув тўлқини” сиёсий режимлар ағдарилишига олиб келди ва Тунисда З.Бен Али, Мисрда Ҳ.Муборак, Ливияда М.Каддафи режими кулади. Бу ўринда исломий ҳаракатларга куйидагича баҳо бериш мумкин. Ўз навбатида Тунис, Миср ва Ливиядаги исломий кучларнинг ялпи бостиришга бўлган ҳаракатлари жуда ёмон оқибатларга олиб келди. З.Бен Али, Ҳ.Муборак ва М.Каддафи ўз мамлакатларида исломий кучларни тўлиқ бартараф этишни амалга ошира олишлари ҳақида ишончлари комил эдики, айнан шу кучлар кўтарилиши сиёсий режимларни ағдарди³⁵.

Шимолий Африка давлатлари ичида 2011 йил воқеалари нисбатан енгил кечган давлат бу Судан бўлиб, бунга асосий сабаб мамлакат Жанубий Судан

³⁰ Долгов Б.В. Арабская весна: итоги и перспективы // [Электронный ресурс]-Режим доступа-URL: http://www.perspektivy.info/book/arabskaja_vesna_itogi_i_perspektivy_2012-04-%20http://voprosik.net/arabskaya-vesna-i-resurnaya-politika (дата обращения: 25.03.2014)

³¹ Цырель С.В. Революции, волны революций и Арабская весна. // Системный мониторинг глобальных и региональных рисков: Арабская весна 2011 г./ Ред. А.В.Коротаев, Ю.В.Зинькина, А.С.Ходунов. М.: ЛКИ. - 2012. - С.128-161.

³² Труевцев К.М. Год-2011 новая демократическая волна? - М.: Высшая школа экономики. 2011. - С.48.

³³ Исаев Л.М. Факторы дестабилизации арабских республиканских режимов в ходе Арабской весны. // Социология глобальных процессов, трансформации и развитие. - М.: Новый взгляд, 2013. - С. 1467/

³⁴ Там же.-С.1448

³⁵ Исаев Л.М. Факторы дестабилизации арабских республиканских режимов в ходе Арабской весны. // Социология глобальных процессов, трансформации и развитие. - М.: Новый взгляд, 2013. - С. 1473.

масаласи билан доимий босимга кўниккан эди. Судан ҳокимияти тепасида турган элитани демократлаштириш ва сиёсий эркинлик масалаларидан кўра кўпроқ энергоресурсларга бой жануб қизиқтирар эди. Шу сабабли 2011 йилда Шимолий Африка давлатларида “Араб баҳори” авжига чиққан бир пайтда ташқи кучларнинг таъсири натижасида Жанубий Судан Судан Республикасидан мустақил давлат сифатида ажралиб чиқишга эришди. Ҳозирги даврда юқорида келтирилган давлатларга ўхшаб Судан Республикасида ҳам ижтимоий-сиёсий жараёнларда ислом омили муҳим саналиб, Жазоир каби Суданда ҳам исломий партиялар парламентда қонуний фаолият олиб боради.

Шимолий Африкадаги Тунис, Ливия ва Мисрда амалдаги ҳокимиятларни ағдарилиши кўйидаги ўзига хос хусусиятларга эга:

- амалдаги ҳукмрон тузумнинг муҳолифатни йўқ қилиб юборгани орқали реал ички курашларга тайёр эмаслиги;

- мамлакатнинг ташқи хавфларга нисбатан ўзини ҳимоя қилиш имкониятига эга эмаслиги, хусусан, ахборот урушини бой бергани;

- амалдаги тузумнинг узоқ вақт давомида ҳокимият тепасида тургани ва мафкурасининг эскиргани;

- мамлакат ёшлари орасида амалдаги тузумга қарши норозилик кайфиятининг юқорилиги;

- ёшларнинг революциялар амалга ошган давлатлардаги тараққиёт моделларидан кўра ғарб моделига кўпроқ монандлиги;

- тўлқинланишлар пайтида ҳарбий кучларнинг ҳокимиятга қарши муҳолифат тарафга ўтиб кетиши;

- мамлакатда узоқ муддат давомида диний партиялар ташкил этиш таъқиқлангани оқибатида, “Ан-Наҳда” ва “Мусулмон биродарлар” каби ташкилотларнинг тартибсизликлар даврига келиб тўла шаклланиб улгурган муҳолифатга айлангани;

- мамлакатнинг бир вақтнинг ўзида ҳам либерал (Конституция, президентлик институти, парламент ва бошқа) ҳам авторитар (30 йилдан ортиқ Ҳ.Муборак ҳукмронлиги, М.Каддафийни 40 йилдан ортиқ ва З.Бин Али ҳам узоқ муддатлик бошқаруви ҳамда ўзини умрбод президент этиб сайланиши) тизимда ривожлангани ва бу тизимларнинг тор доира манфаатларига хизмат қилиши;

- бу мамлакатларда узоқ давом этган турғунлик даври, яъни фавқулодда ҳолатдан аҳолининг “чарчаши”, сиёсий янгиликларни кутиши.

Натижа “Араб баҳори” юз берган минтақалар сиёсатида янгича мувозанат шаклланди. Шимолий Африка араб давлатлари бошидан кечирган ва кечираётган трансформациялар ҳар бир давлатнинг ўзига хослиги, яъни ушбу давлатларнинг миллий ва давлат қурилишининг қайси босқичини бошдан кечираётганига қараб турли ўзгаришларни келтириб чиқарди:

- демократлашув жараёни - Тунис ва Миср каби давлатлар сиёсий тизимларида янги элементлар пайдо бўлиши, амалдаги режим ағдарилиши ва конституциявий ўзгаришларнинг жорий этилиши;

- либерал-демократик ислоҳотларнинг жадаллашуви жараёни - Марокаш ва Иордания каби давлатлар ва бошқа республика тизимлари учун кучли ларзаларсиз, лекин амалий натижаларга олиб келувчи ислоҳотларнинг татбиқ этилиши;

- секин либераллашув жараёни - Форс кўрфази монархиялари учун амалдаги ҳокимиятни сақлаб қолган ҳолда, либераллашув элементларини жорий этилиши;

- сиёсий тарқоқлик (парчаланиш) ёки ярим тарқоқлик (ярим парчаланиш) жараёни - Ливия, Яман, Сурия каби давлатлар учун вазиятнинг оғирлашуви ва мамлакат сиёсий истиқболини белгилашда ноаниқлик даври. Бу даврда ушбу мамлакатлар сиёсий истиқболини белгилашда минтақавий гегемонлар (САП, Туркия, Эрон) ва дунёда этакчи давлатлар (Россия, ХХР, АҚШ)нинг минтақада шакллантирадиган кучлар мувозанати муҳим ўрин эгаллайди.

ХУЛОСА

Африка араб давлатларидаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда ислом динининг роли билан боғлиқ муаммоларнинг сиёсий таҳлили, “замонавий исломчилик”, “исломни сиёсийлаштириш ва радикаллаштириш”, “диний мутаассиблик” муаммолари ҳамда мазкур жараёнга ички ва ташқи омилларнинг таъсири даражасини ишлаб чиқаётган ўзбекистонлик ва хориж муаллифларнинг айрим ёндашувларини ойдинлаштириш ҳамда қуйидаги умумий хулосаларни чиқаришга имкон беради.

1. Жамият ҳаётининг барча соҳалари – таълим, фан ва давлат бошқарувида динийлаштиришнинг кузатилиши бу теократик мазмун касб этган ҳолда, ўзига хос муҳит шаклланишига сабаб бўлади. Мазкур қарашларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида, назарий жиҳатдан таъсирчан ва амалий жиҳатдан мураккаб усуллардан фойдаланилади.

Дин ҳамиша жамият ҳаётининг барча соҳаларига таъсир этувчи муҳим омиллардан ҳисобланиб келган. Дунё аҳолиси орасида диндорлик даражаси пасайиши кузатилмайди, аксинча, замонавий босқичда сакраллашув кучайиб бормоқда. Диннинг сиёсийлашуви борасида билдирилган таърифларни умумлаштирган ҳолда қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

биринчидан, диннинг сиёсийлашуви бу фундаментализмдир. Зеро, у ўзини диннинг унут бўлган “асос” ва “асосий тамойил”ларига қайтиш ва уларни қайта тиклашга асосланган соф ҳаракат сифатида эътироф этади;

иккинчидан, диннинг сиёсийлашуви бу уйғонишдир. Сабаби, у кучли эътиқод ва диндорлар ҳаётида анъаналарни амалий қўллашдан иборат бўлган асосий тамойилларни амалиётга татбиқ этиш ҳамда давлатнинг бошқарув структуралари фаолиятига диний тамойилларини киритиш жараёнининг бош элементи сифатида намоён бўлади;

учинчидан, диннинг сиёсийлашуви бу интегрализмдир. Унинг мақсади бугунги кун жамияти ва ҳаётининг ўзаро автоном бўлган барча соҳалари, жумладан, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, илмий, эстетик, ички,

диний ва маънавий соҳаларни ягона дин байроғи ҳамда шариат қонунлари доирасида бирлаштиришдан иборат;

тўртинчидан, диннинг сиёсийлашуви бу теократизмдир. Боиси, унинг эълон қилинган дастури диний давлат ва давлат аппаратини шакллантириш асосида Олий диний ҳокимиятни барпо этишга қаратилган;

бешинчидан, диннинг сиёсийлашуви бу теономизмдир (яъни, “Яратганнинг қонунлари устуворлиги”). Бу мазмунда унинг Худо томонидан буюрилган дин аҳкомлари, қонунларини тўғридан-тўғри ва тўлақонли адо этишдан иборат бўлган мақсади билан бевосита боғлиқ;

олтинчидан, диннинг сиёсийлашуви бу экстремизмдир. Зеро, у ўз мақсадлари ва диний оқимлар дастурларига эришишда ички ва ташқи душманга қарши тезкор, қажнатқич, кучли, самарали ва буткул зарба беришдан ўзга чораси йўқлигини ошқора намойиш этади. Бу курашдаги мағлубият ҳам, ғалабанинг оқибатлари ҳам ҳисобга олинмайди. Аксинча, радикал диндорлар учун душманни ҳайратга солиш муҳим аҳамият касб этади. Табиийки, бегуноҳ шахсларнинг тасодифий ҳалокати бунда қўл келади.

2. Исломнинг сиёсийлашуви ҳақида гапирганда қатъий фикр билдириб бўлмайди. Чунки, исломда дин ва сиёсатга бўлиниш йўқ. Шу сабабли, ислом динининг сиёсийлашуви деганда сиёсий жараёнларда исломга урғу бериш, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишни тушуниш мумкин.

Сиёсий ислом тарафдорлари исломни сиёсийлаштиришни “мусулмонлар яшайдиган ҳар қандай жамият (давлат), шунингдек, давлатлар ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий, этник ва бошқа муаммолар ҳамда зиддиятларни фақат шариат қоидалари асосида ҳал этадиган шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган мафкура ва амалий фаолият” сифатида таърифлайдилар. Бошқача сўз билан айтганда, инсон ҳаётининг фаолиятининг барча соҳаларида ислом (шариат) қоидаларини қўллаш учун сиёсий шарт-шароитлар яратиш лойиҳасини амалга ошириш демакдир, деган фикрдалар.

3. Ҳозирги даврда ислом динини сиёсийлашуви жараёнидаги жадаллашувнинг асосий сабабларидан бири умумжаҳон модернизацияси ва глобаллашувнинг ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсири кучайишидадир. Сиёсийлашув суръати глобаллашув ва модернизация суръатига мос келмоқда, яъни модернизация динни таназзулга учратмади, балки исломни қўзғатди ва фаол ҳаракатга келтирди.

Африка араб мамлакатларидаги ижтимоий-сиёсий ва диний вазиятлар таҳлилидан кўриниб турибдики, бошқа мусулмон мамлакатларига нисбатан, араб давлатларининг давлат ва жамоат ташкилотларида ислом катта аҳамиятга ва таъсирга эга. Бу давлатларда “ислом омили”нинг фаоллашуви модернизациялаш жараёнларининг бориши ва натижаларига боғлиқ бўлди.

4. Ислом тарихини таҳлил қилар эканмиз, “исломнинг сиёсийлашуви” хусусияти ушбу дин тарихининг ажралмас бўлаги эканлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Замонавий фундаментализмнинг кучайиши ҳам исломнинг сиёсий ривожланишининг мантиқий инъикоси ҳисобланади.

Араб жамиятида, бир томондан умумий қарама-қарши туриш доирасида давлат даражасидаги дунёвий ва диний компонентлар ўртасида, иккинчи томондан фундаментализм-экстремизм тарафдорлари ва мўътадил диндорлар ўртасида зимдан кураш давом этмоқда. Жамоат онгида диндорлик даражасининг юқорилиги сабабли, анъаначилик, диний фанатизм ва эгалитаризмни олға сурувчи исломчи-фундаменталистик оқим энг катта хавфни юзага келтиради. Мазкур босқичда, энг аввало, ҳукмрон элитанинг ўзи бунга қарши туривчи самарали куч бўлиб хизмат қилади. Зеро, сиёсийлашган исломнинг фаолияти, энг аввало, мавжуд тузумларга қарши қаратилган.

Африка араб давлатлари орасида, қолган мамлакатлардан фарқли равишда Марокаш Қироллигида дин ходимларининг мавқеи кучли бўлиб, давлат сиёсатида ислом дини катта таъсирга эгадир. Ички ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий ривожланиш муаммоларининг кучайиши миллий зиёлилар ва диний доиралар теварагида тўпланадиган муҳолифат томонидан тузумга нисбатан хавфни кучайтиради.

5. Ислонинг сиёсийлашуви ва исломчи сиёсий партияларнинг кучайиши, мусулмон жамиятининг тезкор суръатлардаги вестернизацияга нисбатан ўзига хос қаршилиги, дейиш мумкин. Бундан ташқари, исломнинг радикаллашувига бир қатор ички муаммолар ҳам ўз таъсирини ўтказган. Иқтисодий инқироз, урбанизация, миграция, ижтимоий табақаланиш, ишсизлик, ҳукмрон доиралардаги коррупция, инсон ҳуқуқлари поймол қилиниши, исломчиларга қарши репрессиялар, сиёсий фаолият кўрсатишдаги конституциявий чекланишлар каби сабабларнинг барчаси исломнинг сиёсийлашувига ҳамда радикал ислом ҳаракатлари пайдо бўлишига олиб келди.

6. Ливия ва Тунисдаги сиёсий трансформациялардан сўнг ушбу жамиятни ўтиш жараёнидаги шароит унинг ё чуқурроқ “сиёсий ислом”га қайтиши ёки жамият ички ҳаётида шариатнинг қатъий меъёрларини юмшатишига имконият беради, деб тахмин қилиш мумкин. Бироқ, бу ерда “ислом омили” жамоа ҳаётида бундан кейин ҳам муҳим роль ўйнайди ва бу ўрганилаётган давлатларнинг ташқи сиёсий йўналишига ўз таъсирини кўрсатади.

2011 йилда араб давлатларида юзага келган рангли инқилоблар характери қисқа муддат ичида етилган ички муаммолар билан изоҳланмайди. Аксинча, ушбу давлатларда ижтимоий, иқтисодий-сиёсий вазиятнинг йиллар давомида кескинлашиб келганлиги, жамиятда, давлат бошқарувида ижтимоий портлашлари юз беришига олиб келди. Бу ҳолат эса минтақадаги ижтимоий-сиёсий жараёнларга ўз таъсирини кўрсатаётган ташқи кучларнинг ички беқарорликдан фойдаланиши, инқилобларни ташкиллаштириш орқали минтақада сиёсий беқарорликни келтириб чиқариши учун имконият бўлиб хизмат қилди.

7. Шимолий Африка давлатларидаги беқарорликларда айрим йирик давлатлар томонидан сиёсий технологияларнинг самарали қўлланилганлиги натижасида, бу давлатларда аҳоли, элита ва ҳукумат ўртасидаги алоқалар

узилиши оммавий тартибсизликларни келтириб чиқарди ҳамда амалдаги сиёсий тузумнинг инқирозга юз тутиши, ушбу давлатларнинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий аҳволининг кескин ёмонлашувига олиб келди.

Ички беқарорликлар келиб чиқишидаги биринчи омил бу араб давлатлари бошқарувининг замон талабларига жавоб бермаганидир. Сиёсий ҳокимиятнинг коррупциялашгани, халқ ва сиёсий элита ўртасидаги алоқаларнинг кескинлашиши, мафкуравий иммунитетнинг кучсизлиги сабабли маҳаллий аҳолида давлат бошқарувига нисбатан ишончсизлик ортиб кетгани бу давлатларга ташқи кучларнинг кириб келиши ва инқилобларни амалга ошириши учун қулай имконият яратиб берди. Шу билан бирга, бу ҳокимиятга ташқи кучлар манфаатларига хизмат қиладиган кадрларнинг келишига ҳам шароит туғдирди.

Шимолий Африка давлатларида юз берган инқилобларда дунёнинг етакчи куч марказларининг қўли борлиги ҳамда қарама-қарши кучларни қўллаб-қувватлаш борасида Ғарб давлатларининг устунлиги, минтақадаги сиёсий ўзгаришларда асосий роль ўйнаганлигини тахмин қилиш мумкин.

8. АҚШнинг “Катта Яқин Шарқ” ҳудудининг радикал трансформациясига қаратилган, “Янги Яқин Шарқ стратегияси”да Яқин Шарқ ва Шимолий Африка давлатлари, биринчидан, АҚШ билан бўлган анъанавий иттифоқчилик муносабатлари туфайли, иккинчидан, ўзининг сиёсий мавқеи, араб ва ислом дунёси доирасидаги таъсири, баъзи хавфларни жиловлашдаги стратегик аҳамияти ҳамда юзага келган минтақавий муаммоларни ҳал этишдаги таъсири туфайли марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Яқин келажакда ушбу минтақада янги сиёсий тузилмалар пайдо бўлишини инкор этиб бўлмайди. Мазкур жараёнда АҚШ “Катта Яқин Шарқ” концепциясини илгари суриб, минтақада юз бераётган воқеалардан ўз манфаати йўлида фойдаланишга умид қилмоқда. Шимолий Африка ва Яқин Шарқдаги “рангли инқилоблар” ушбу мақсадни амалга оширишдаги илк қадам бўлиши мумкин.

Шимолий Африка минтақасида юз берган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий беқарорликларда, айниқса, оммавий тартибсизликларга одамларни сафарбар этишда замонавий тизимлар ва коммуникация воситалари, шунингдек, Интернет муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Амалдаги бошқарув тузумлари эса воқеаларнинг бундай ривожига тайёр эмаслигини кўрсатди.

9. Африка араб мамлакатларининг хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ бош масалани ўрганиш шуни кўрсатдики, хавфсизликка асосий таҳдид субминтақавий характерга эга бўлиб, Араб Мағрибида етакчиликка интилаётган Жазоир ва Марокаш ўртасидаги зиддиятлар туфайли юзага келаётган эди. Тунисдан бошланган “Араб баҳори” натижасида Шимолий Африка мамлакатлари сиёсий тизимларида ўзгаришларнинг юз бериши, минтақадаги кейинги сиёсий вазиятлар, айниқса, Ливиядаги кескин вазият хавфсизлик муаммосининг геостратегик даражага чиқишини белгилаб берди.

10. Бутунжаҳон ахборот муҳитида “ислом терроризми”, “ислом экстремизми”, “исломофобия” сингари атамаларнинг асоссиз тарзда

қўлланилиши, исломий тушунчаларни нотўғри қўллаш, диний экстремизм, сепаратизм ёки терроризм бевосита исломнинг ўзидан келиб чиқадиган хавф сифатида тасаввур шаклланишига замин бўлиб хизмат қилмоқда. Натижада, исломнинг ўзини ҳимоя қилиш зарурлиги ҳақида қайғурадиган вақт етди. Экстремизм ва терроризм муаммоларини ислом дини таълимоти билан боғлаб талқин этувчи бундай ифодалар мусулмонларнинг манфаатлари ҳамда ислом тарқалган минтақаларнинг зиддиятларсиз ва барқарор ривожланиш истиқболига зарар етказди.

11. Ислом дунёсининг бир қисми ҳисобланувчи, маданий-маърифий, сиёсий-иқтисодий соҳаларда араб-мусулмон мамлакатлари билан амалий ва ўзаро фойдали муносабатларни ўрнатишга интилаётган Ўзбекистон ҳамда Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатлар ислом дунёсида кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, ички ва ташқи сиёсати миқёси, уларнинг диний экстремизм ва сиёсий исломга қарши курашиш тажрибаси ҳақида яхлит ва объектив тасаввурга эга бўлишда манфаатдор ҳисобланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.29.08.2017.S.01.08 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ДОКТОРА НАУК
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ
ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

**МУХАММАДСИДИКОВ МУХАММАДОЛИМ
МУХАММАТРОЗИК УГЛИ**

**ПОЛИТИЗАЦИЯ РЕЛИГИИ В АРАБСКИХ ГОСУДАРСТВАХ
АФРИКИ И ЕЁ ВЛИЯНИЕ НА ПОЛИТИЧЕСКИЕ ПРОЦЕССЫ**

23.00.02 – Политические институты, процессы и технологии

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА (DSc)
ПОЛИТИЧЕСКИХ НАУК**

Ташкент – 2018

Тема докторской диссертации по политическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2017.4. DSc/Siyos1.

Диссертация выполнена при Ташкентском государственном институте востоковедения.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский) размещён на веб-странице по адресу www.nuu.uz и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.uz.

| | |
|-------------------------------|--|
| Научный руководитель: | Пахрутдинов Шукритдин Ильясович доктор политических наук, профессор |
| Официальные оппоненты: | Мунавваров Зохидилло Иномходжаевич доктор политических наук, профессор |
| | Жураев Нарзулла Касимович доктор политических наук, профессор |
| | Равшанов Фазлиддин Равшанович доктор политических наук |
| Ведущая организация: | Университет мировой экономики и дипломатии |

Защита диссертации состоится « ____ » « _____ » 2018 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.29.08.2017.S.01.08 при Национальном университете Узбекистана по адресу 100174, г.Ташкент, улица Университетская, дом 4. Здание факультета Социальных наук Национального университета Узбекистана, 5-этаж, 511-аудитория. Тел: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: info@nuu.uz, nauka@nuu.uz

С диссертацией можно ознакомиться на Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрировано за № ____). Адрес: 100174, г.Ташкент, улица Университетская, дом 4. Административное здание Национального университета Узбекистана 2 этаж, 4-кабинет. Тел: (99871) 246-02-24; факс (99871) 246-02-24.

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2018 года.
(протокол рассылки № _____ от « ____ » _____ 2018 года).

Ш.И.Пахрутдинов

Председатель Научного совета
по присуждению ученой степени
доктора наук, д.п.н., профессор.

А.Д.Ташанов

Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученой степени
доктора философии (PhD).

А.Г.Муминов

Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению ученой
степени доктора наук, д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Начиная с первых лет XXI века вместе с возрождением религиозных ценностей ислама в различных регионах мира усилением роли религии в обществе возникают совершенно новые угрозы, связанные с исламом. Искаженная подача указаний Корана и хадисов, исламского мировоззрения, традиций и обрядов, а также необоснованное соединение религии с терроризмом, экстремизмом являются факторами, способствующими развитию исламофобии. Это, в свою очередь, приводит к обострению политических, религиозных и других социальных процессов в различных регионах, вместе с тем, усиление религиозных межконфессиональных противоречий порождает угрозу региональной и международной безопасности. Подобные угрозы еще более усиливают необходимость выяснения и анализа их социально-политических последствий, разработки мер по их предотвращению.

Требованием времени является выяснение степени влияния политизированного ислама на относительно стабильно развивающиеся арабские и мусульманские общества, на политические отношения в регионе исламской цивилизации и арабских государств, в частности, на современные модернизационные процессы арабских государств Африки. С этой точки зрения, вовлечение политического ислама в социально-политические и геополитические процессы, глубокий анализ политических процессов арабских государств Африки, превращающихся в очаг нестабильности, необходимость разработки научных основ регулирования религиозных отношений определили актуальность настоящего исследования.

Правительство Республики Узбекистан с первых лет независимости осуществляло политику укрепления религиозной терпимости в качестве основы обеспечения безопасности и стабильности, гарантировало, наряду с исламом, свободу деятельности и других религиозных конфессий. Конституцией и законами Республики Узбекистан всем гражданам гарантированы равные права независимо от их национальности, расы, религиозного убеждения. Данная конституционная норма нашла свое отражение также в пункте 5 Закона «О свободе совести и религиозных организациях», принятом в новой редакции 1 мая 1998 года. В законе с учетом исторических, культурных и социальных факторов определены отношения между государством и религиозными организациями. Как подчеркнул Президент Республики Узбекистан Ш.М.Мирзиёев: «Важнейшей задачей мы считаем довести до широкой мировой общественности подлинно гуманистический смысл ислама. Мы чтим нашу священную религию как средоточие исконных ценностей. Мы решительно осуждаем и никогда не примиримся с теми, кто ставит нашу великую веру в один ряд с насилием и кровопролитием. Ислам призывает нас к добру и миру, сохранению подлинного человеческого начала»¹. Тот факт, что вопросы обеспечения безопасности,

¹ Речь Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева 19 сентября на 72 сессии Генеральной Ассамблеи Организации Объединенных Наций. <http://www.uza.uz/oz/politics/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>

межнационального согласия и религиозной толерантности, осуществления взвешенной, взаимовыгодной и конструктивной политики определены в “Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годах” отдельным пятым приоритетным направлением, еще раз подтверждает актуальную значимость данного вопроса.

Настоящее исследование в известной мере послужит выполнению задач, намеченных в Законах Республики Узбекистан “О свободе совести и религиозных организациях” (1998), “О государственной молодежной политике” (2016), в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О стратегии действий по развитию Республики Узбекистан», в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-3080 от 23 июня 2017 года «О мерах по созданию Центра исламской цивилизации в Узбекистане при Кабинете Министров Республики Узбекистан», в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-3433 от 15 декабря 2017 года “ О мерах по созданию Исламской академии Узбекистана”, а также задач, определенных в других нормативно-правовых документах по настоящей теме.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики. Диссертационная работа выполнена в рамках пункта 1 приоритетного направления развития науки и технологий республики: “Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики”.

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации². Научные исследования социально-политических процессов в арабских и мусульманских государствах, трансформации политических режимов, происходящих в последнее время, влияния «исламского фактора», «нефтяного фактора» на современную мировую политику и политические процессы осуществляются ведущими научно-исследовательскими центрами и высшими учебными заведениями, в том числе, университетом «Ал-Азхар» (Египет), Каирским университетом (Египет), Institute of Islamic studies (Канада), The Institute for Islamic World Studies, Zayed University (ОАЭ), The Arabic and North African Studies, Al Akhawayn University (Марокко), Московским государственным институтом международных отношений (МГИМО), институтом Ближнего Востока (Россия), институтом Африки Российской Академии наук, институтом стран Азии и Африки при Московском государственном университете, Cambridge, Oxford, London Universites (Великобритания), The Islamic Studies program at the University of Detroit, The Middle Eastern & Islamic Studies New York University, The Islamic Studies, African Studies Center University of Michigan, African Studies Center University of Boston (США), African Studies Center University of

² www.ox.ac.uk; dlsu.edu.ph; sorbonne-university.com; wsu.edu>franc.com; osaka-u.ac.jp; bars.ak.uk; Cambridge.org; hup.harvard scin. www.islamicstudies.harvard.edu/fellowships/
<https://www.mcgill.ca/islamicstudies/institute-islamic-studies>,
<http://www.zu.ac.ae/main/en/iiws/index.aspx> и других источников.

Leiden (Нидерланды), Osaka University (Япония), Sorbonne, De la salle University (Франция), Сеульским университетом Кореи (Seoul University), Hamburg University (Германия), Ташкентским государственным институтом востоковедения (Узбекистан).

В результате проведенных исследований по изучению внутренних и внешних факторов, влияющих на социально-политические процессы и трансформацию политических систем в странах Ближнего Востока и Северной Африки, получен ряд научных результатов. Процессы демократизации в арабских странах: исследованы достижения и разработаны рекомендации по решению проблем (Arab Center for Research & Policy Studies, Катар); даны рекомендации по совершенствованию механизмов решения этно-политических конфликтов в Африке (Institute of African Studies and Research, Cairo University, Египет); показаны эффективные методы регулирования незаконной миграции переселенцев через государства арабского Запада (Al Akhawayn University, Марокко); обоснованы эффективные средства стабилизации геополитического баланса в странах Ближнего Востока и Северной Африки (Институт Ближнего Востока, Россия).

По возрождению религиозных ценностей ислама в различных регионах мира, усилению роли религии в обществе, обоснованию возникающих совершенно новых угроз, связанных с исламом, совершенствованию правовых и политических основ регулирования межконфессионального диалога и взаимоотношений государства с религией, исследования ведутся в следующих приоритетных направлениях: исследование факторов, влияющих на безопасность арабских стран; повышение роли государства в решении проблемы миграции в Северной Африке; ликвидация угрозы политической стабильности в арабских странах со стороны религиозного экстремизма и догматизма; активизация участия арабских стран в борьбе против радикального ислама.

Степень изученности проблемы. Имеющиеся научно-исследовательские работы и произведения, посвященные процессам политизации мировых религий и влиянию религиозного фактора на политические процессы, а также труды по Африканскому континенту и региону Северной Африки охватывают определенные стороны проблемы.

В настоящее время в Узбекистане издается большое количество книг, пособий и статей, посвященных религиозному фактору, роли религиозной толерантности, ее сущности и основным принципам, социально-политическим процессам в мусульманском мире. В перечень этих источников входят теоретические и практические исследовательские работы, посвященные формированию и развитию ранней исламской государственности, деятельности пророка Мухаммеда, внутренней и внешней политике его государства, структурной организации формирующейся государственности, вопросам религиозно-социальной политики первых халифов, эволюции политизации ислама и религиозно-

политических течений, роли «политического ислама» во внутренней и внешней политике арабских и мусульманских стран, светскому мировоззрению и религиозности. В этом отношении если некоторые зарубежные ученые, в частности, Д.Акрам, А.Можид, Х.И.Хасан, А.И.Хасан, Х.Иброхим, М.Ридо, М.ал-Хударий, А.ан-Нажжор³, Т.Арнольд, А.Х.Аксеки, Ф.Х.Бэрки, О.Кэскиугли, Абу Бакир, М.Уатт, В.Муир, А.Амэр, А.Мухаммад⁴ проводили научные изыскания, посвященные деятельности пророка Мухаммеда, внутренней и внешней политики его государства, формированию и развитию ранней исламской государственности, вопросам религиозно-социальной политики первых халифов, эволюции политизации ислама, то исследования в области деятельности религиозно-политических течений, роли «исламского фактора» во внутренней и внешней политике арабских и мусульманских стран, влияния «исламского фактора» на политические процессы, светского мировоззрения и религиозности, значение религиозного вопроса в межконфессиональных отношениях и государственном управлении можно увидеть в работах Х.Ф.ан-Нажжора, У.Шарифа, И.ал-Бадави, С.А.ал-Зайна, Х.А.Авада, О.Ф.Абдулхафиза, А.Халифа, М.С.ал-Ашмави, А.А.ал-Афанди, Ю.Карзови, Х.Ханафи, А.ал-Хайёта, А.Х.Якуба, Ф.ан-Набрави, М.Н.Муханна, Р.Хилала, Халифа ибн Хаййота, А.И.Хасана, А.Маъди, Т.Мадани, Х.Мухаммеда, Ф.Сара, М.Махди, М.Имаро, Н.Мустафо, В.Абдулмажида, А.Зайда, И.Ражаба, Д.Шахата, Х.Мустафо⁵, Дж.Эспозито, Р.Митчела, Ф.Холлидэя, Г.Руа, Б.Мильтон-

³ Қаранг. Аكرم. د. عصر الخلافة الراشدة. – الرياض، 1998؛ ماجد أ، التاريخ السياسي للدول العربية: عصور الجاهلية والنبوية والخلفاء الراشدون. – القاهرة، 1982؛ حسن ح.إ.، أ.إ. حسن. النظم الإسلامية. – القاهرة، 1996؛ حسن إبراهيم. تاريخ الإسلام السياسي والديني والثقافي والإجتماعي: 4 مجلد. – بيروت، 1996؛ محمد رضا أبو بكر الصديق- أول الخلفاء الراشدين. – بيروت؛ دار الكتب العلمية، 1983؛ ألفاروق عمر ابن الخطاب – ثاني الخلفاء الراشدين. – بيروت؛ دار الكتب العلمية، 1982؛ ذي النورين عثمان ابن عفان – الخليفة الثالث. بيروت؛ دار الكتب العلمية، 1993؛ إمام علي ابن أبي طالب، كرم الله وجهه – رابع الخلفاء الراشدين. بيروت؛ دار الكتب العلمية، 1982؛ السياسة القضائية في عهد عمر ابن الخطاب و صلته بالواقع المعاصر. الرياض، 1996؛ محمد الخضاري؛ إتمام الوفاء في سيرة الخلفاء. – القاهرة. : المكتبة الثقافية، 2008.

⁴ Смотрите.: Arnold Th. The Preaching of Islam. – 3d edition / ed. Reynold A. – London, 1935; Akseki A.H. Islam dini. Ankara: Gaye matbaacilik sanayi, 1983; Berki F.H., Keskiog'li O. Hatemül Enbiya hazrat Muhammed ve hayati. Ankara, 1988; Buhl F.: Musaylima // Islam ansiklopedisi. – T. 8. – Istanbul, 1960. – Б. 820-821; тот же автор. Ebu Bekir // Islam ansiklopedisi. – T. 4. – Istanbul. 1965. – Б. 12-14; Watt M. Muhammad at Medina. – Oxford, 1962; Muir W. The Caliphate. – Oxford, 1924; Ameer A.: A Short History of the Saracens. – Lahore, 1993; тот же автор. The Spirit of Islam. – Lahore, 1995; Muhammad A. Economic Teachings of Prophet Muhammad. – Islamabad-Pakistan, 1989;

⁵ См.: أ. أنجار ح.ف. الإسلام و السياسة: بحث في أصول النظرية السياسية و النظام الحكم في الإسلام. – القاهرة: دار المعارف، 2005؛ شريف أ. نظم الحكم و الإداري في الدولة الإسلامية: دراسة مقارنة. – القاهرة: معهد الدراسات الإسلامية، 1991؛ البديوي إ. نظام الحكم الإسلامي مقارنا بالنظم السياسي المعاصرة. – بيروت: دار الفكر العربي، 1986؛ الزين س.أ. نظام الإسلام: الحكم، الإقتصاد، الإجماع. – بيروت: دار الكتاب اللبناني، 2009؛ عوض ح.أ. الأبعاد السياسي للمفهوم الحكيمية: رؤية معرفية. فيرجينيا، الولايات المتحدة: معهد العالمي للفكر الإسلامي، 1995؛ عبدالحافظ أ.ف. الفكر السياسي الإسلامي. – القاهرة: دار الجامعة الجديدة، 2002؛ خليفة أ، في علم السياسة الإسلامي. – بيروت: دار المعرفة الجمعية، 1989؛ العثماني م.س. المعالم الإسلام. – القاهرة: سيناء للنشر، 1996؛ الألفندي أ.أ. الإسلام و الدولة الحديثة نحو رؤية جديدة. – القاهرة: دار الحكمة، 2009؛ يوسف قرضاوي. من فقه الدولة في الإسلام: مكانتها، معالمها، طابعاتها، موقفها من الديمقراطية و التعددية و المرأة و غير مسلمين. – القاهرة: دار الشروق، 1997؛ حنفي ح. دراسات إسلامية. – القاهرة: دار التنوير للطباعة و النشر، 1982؛ الخيات أ. النظام السياسي في الإسلام: النظرية السياسية: نظام الحكم. – القاهرة: دار السلام، 2000؛ يعقوب أ.ح. النظام السياسي في الإسلام. – القاهرة: دار الإسلامية، 1996؛ النبراوي ف، مهنا م.ن. قضايا العالم الإسلامي و مشكلاته السياسية بين الماضي و الحاضر. – القاهرة: منشآت المعارف، 2000؛ رضا هلال. السيف و الهلال: تركيا من أتا تورك إلي إرباك: الصراع بين المؤسسة العسكرية و الإسلام السياسي. – القاهرة: دار الشروق، 1999؛ خليفة ابن خيات. التاريخ. – الرياض: دار طيبة، 1968؛ علي إبراهيم حسن. النظم الإسلامية. – القاهرة، 1996. الحسيني معدى، "ثورة 25 يناير: انتفاضة شعب و سقوط الفرعون" (القاهرة: دار الخلود للتراث، 2011؛ توفيق المدني، "سقوط الدولة البوليسية في تونس" (بيروت: الدرا العربية للعلوم ناشرون، 2011؛ خالد السيد محمد، "ثورة 25 يناير" (القاهرة: دار النهضة المصرية، 2011؛ فايز سارة، "العرب و تحديات القرن: مطالع الثورة و مقدمات الربيع العربي" (القاهرة: دار الكتب، 2011؛ محمد المهدي، "عقريّة الثورة المصرية" (القاهرة: دار الشروق، 2011؛ محمد عمارة، "ثورة 25 يناير و كسر حاجز الخوف" (القاهرة: دار السلام للطباعة و النشر، 2011؛ نادية مصطفى، "الثورة المصرية نموذجاً حضارياً" (القاهرة: مركز الحضارة للدراسات السياسية، 2011؛ نزار شقرون، "رواية الثورة التونسية" (تونس: مؤسسة الدوسري للثقافة و الإبداع، 2011؛ وحيد عبد المجيد، "ثورة 25 يناير: قراءة

